

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“ИНВАЗИОН КАСАЛЛИКЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ  
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ  
ВА ДАВОЛАШНИНГ ИНОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

Модули бўйича



**ветеринария**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Самарқанд 2020**

*Модулнинг иичи ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.*

**Тузувчи:**

**Т.И. Тайлоқов-** ветеринария фанлари номзоди, доцент

**Тақризчи:**

**А.С. Даминов** - ветеринария фанлари доктори, профессор

**Р.Б.Давлатов** - ветеринария фанлари доктори, профессор

Ишчи ўқув дастури Самарқанд ветеринария медицинаси институти Кенгашининг 2020 йил 29-декабрдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА		
I	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	4
II	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III	НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР	11
IV	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР	47
V	КЕЙСЛАР БАНКИ	90
VI	ГЛОССАРИЙ	96
VII	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	95
VIII	МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ	

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди ва Республикализнинг ижтимоий-иктисодий натижаларининг чорвачилик ва ветеринария истиқболига таъсири, ҳайвонлар организмига паразитларнинг патогенетик таъсир кўрсатиши, ҳайвонларда учрайдиган гелминтозлар, протозоозлар, арахнозлар ва энтомозлар ҳақидаги мавзуларни қамраб олади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** организмларнинг ўзаро муносабатлари, паразитизмнинг келиб чиқиши, тарқалиши, паразитларнинг классификацияси, паразит хўжайнилари, паразитларнинг ҳайвонларга юқиши йўллари, уларнинг морфологияси ва биологик ривожланиши, инвазион касалликлар қўзғатувчиларининг систематикаси, анатомо-морфологияси, ривожланиши, иктисодий зарари, эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари, патолого-анатомик ўзгаришлари ташхиси ва қиёсий ташхиси, даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чораларининг илмий ва амалий аҳамиятини ўргатиш борасида чорвачилик ва ветеринария тизимининг имкониятлари ҳақида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, қўникма ва компетенцияларини ошириш.

**Модулнинг вазифалари:** тингловчиларга ҳайвонлар орасида учрайдиган инвазион касалликларни, уларнинг қўзғатувчиларини, ривожланишини, эпизоотологиясини, клиник белгиларини, ташхис қўйиш усулларини, даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чораларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда тадбиқ этиш қўнимасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун назарий билимлар, амалий қўнималар, ҳайвонлар организмига паразитларнинг тушиш йўлларини, инвазион касалликларнинг кечишини, тарқалишини, биоэкологиясини, клиник белгиларини, диагностикасини, даволаш ва олдини олиш чораларини билиш ва уларни аниқлашга услубий ёндошув ҳамда назарий ва амалий билимларни, қўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- инвазион касалликларга лаборатория ва дала шароитида ташхис қўйиши, гелминтологик ёриб қўриши, гелминтокопрологик, гелмintoовоскопик, гелминтолярвоскопик, серологик, аллергик ва бошқа паразитологик текшириш усулларини, ташхис қўйиш ва даволашда ишлатиладиган асбоб ускуналар, реактивлар, даволаш воситалари ва препаратлардан самарали фойдаланишини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- инвазион касалликлар қўзғатувчиларининг турларини, уларнинг систематикадаги ўрнини, касаллик қўзғатувчиларини бир-биридан морфологик ва анатомик фарқлаш, паразитологик текшириш усулларини бир-биридан фарқлаш, паразитларга қарши кураш олиб бориш **қўникмаларига эга бўлиши;**

- чорвачилик хўжаликлари ва яйловларнинг географик-иқлим шароити ва эпизоотик ахволини таҳлил қилиш, паразитларни яшаш жойларини, инсон ва ҳайвонларга етказиладиган заарини аниқлаш, инвазион касалликларнинг мавсумийлиги, тарқалиш хусусиятлари, паразитар касалликларни олдини олиш, хўжаликни соғломлаштириш ҳамда қарши курашиш тадбирларини ўтказиш **малакаларига эга бўлиши лозим.**

- мутахассислик фанларини ўқитища инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- рақамли технологияларда ишлаш;

- видеодарсларни тайёрлаш;

- ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйишида, самарали даволаш усуллари ҳамда замонавий ва инновацион манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиши маъруза, амалий ва қўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги Ветеринария фундаментал фанларида замонавий ва инновацион технологиялар, Ветеринариядага юқумсиз касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш, акушер гиникологик ва ҳирургик потологияларнинг диагностикаси ва даволашдаги замонавий инновацион технологиялар, Инфекцион касалликларни диагностикаси ва даволашнинг инновацион технологиялари ва “Олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим мухитини шакллантириш” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳайвонлар орасида учрайдиган гелминтоз, протозооз, арахноз ва энтомоз касалликлари қўзғатувчиларининг морфологик, биологик ва экологик хусусиятларини, юқиш йўллари ва манбаларини, гелминтларнинг асосий ва оралиқ хўжайинларида ривожланишини, касалликларнинг кечишини, тарқалишини, келтирадиган иқтисодий ва ижтимоий заарларини, ҳар бир касалликни аниқлаш, даволаш, олдини олишда зарурий билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Кўчма машҳулот	
			Аудитория ўқув юкламаси		жумладан	Назарий		
			жами					
1.	Трематодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуслари.	4	2	2			2	
2.	Цестодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуслари.	2	2	2				
3.	Протозоозларнинг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш.	2	2	2				
4.	Фасциолёз ва дикроцелиоз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.	2	2			2		
5.	Цистицеркозни кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.	2	2			2		
6.	Эхинококкоз, ценуроз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш.	2	2			2		
7.	Протозой касаликларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан – амалий фойдаланиш.	2	2			2		
8.	Пироплазмоз ва Тейлериоз касалликларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш.	2	2			2		
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	<b>2</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Трематодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари (2 соат).**

1.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

1.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

1.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

**2-Мавзу: Цестодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари (2 соат).**

2.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

2.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

2.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

**3-Мавзу: Протозоозларнинг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш (2 соат).**

3.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

3.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

3.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот.** Фасциолёз ва дикроцелиоз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш (2 соат).

**2-амалий машғулот.** Цистицеркозни кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Эхинококкоз, ценуроз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситалардан фойдаланиш (2 соат).

**4-амалий машғулот.** Протозой касаликларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан –амалий фойдаланиш (2 соат).

**5-амалий машғулот.** Пироплазмоз ва Тейлериоз касалликларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш (2 соат)

## **КҮЧМА МАШҒУЛОТ**

Гельминтоз касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари. Ветеринария илмий тадқиқот институтининг гельминтология лабораториясига бориб гельминтларнинг личинкаларини аниқлаш, гельминларнинг нусхалари билан танишиш, гельминтларни фиксация қилиш усулларини ўрганадилар.


## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Мавзу, матн, бўйим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.



## **SWOT- ТАХЛИЛ ЖАДВАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

SWOT термини инглизча қучли, кучсиз, имконият, ҳавф сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган. Бу технологиядан ташкилот ёки бирор корхонанинг келгусидаги стратегик ривожланиш механизмларини таҳлил этишда фойдаланиш қулай.

S- корхонанинг ички ривожланиш имкониятлари;

W- корхонанинг ички муаммолари; .

O- корхонанинг ташқи ривожланиш имкониятлари;

T- корхона учун ташқи ҳавфлар.

Дарсда шакллантирилган муаммо юзасидан тўпланган маълумотлар пакети ўқитувчининг тренерлигида талаба-ўқувчилар томонидан ўрганилиб бўлингач гуруҳлар ёки кичик гуруҳлар ҳамкорликда қуидаги жадвални тўлдириб, охир оқибатда тегишли оптимал ечимга қелишадилар:

C: 1. 2. 3.	W: 1. 2. 3.
O: 1. 2. 3.	T: 1. 2. 3.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР

**1-Мавзу:** Трематодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари (2 соат).

1.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

1.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

1.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

**Таянч иборалари:** *Digenia, topogenia, fasciolata, F.hepatica, F.gigantica, Lymnea* ўткир ва сурункали кечиши, тананинг турли қисмларида шишилар пайдо бўлиши, кетма-кет ювши усули, дертил, 4-хлорли углерод, роленол, режали гельминтсизлантириши.

#### 1.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

**Трематодалар яssi чувалчанглар типининг** энг йирик синфи бўлиб, у ўз ичига тўлигича паразитлик йўлига ўтган 5000га яқин турларни олади. Ушбу турларнинг қарийиб ярми балиқларнинг, қолганлариэса бошқа умуртқали ҳайвонларнинг паразити бўлиб ҳисобланади. Қушлар, сутэмизувчилар, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида трематодаларнинг 5000га яқин тури паразитлик қиласи ва уларда ҳар хил трематодоз касалликларини чақиради. Одамлар организмида уларнинг 30 дан ортиқ тури яшайди. Айрим trematodalар билан ҳам одамлар, ҳам қишлоқ хўжалик ҳайвонлари заарланади.

Трематодалар ўз хўжайниларининг барча ичик органларида, шу жумладан овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, қон айланиш, айриш, жинсий системаларида, жигарида, ўт йўлларида, ошқозон ости безида, талоқда, кўриш органларида, пешона бўшлиқларида паразитлик қиласи.

**Трематодаларнинг морфологияси.** Трематодозлар билатерал симметрияли чувалчанглар бўлиб, танаси дорсовентрал йўналишда яссилашган, баргсимон, тилсимон, ноксимон, ланцетсимон, ипсимон, узунчоқ шаклларга эга. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида ва паррандаларда паразитлик қилувчи trematodalарнинг бўйи 1,8 мм дан 75 мм гача, эни 0,5 мм дан 12-14 мм гача бўлади.

Шистосоматидлар оиласидан ташқари барча trematodalар гермафрордий организмлардир. Жинсий органлари мураккаб тузилган. Эркаклик жинсий органлари уруғдонлардан, уруғ йўлларидан, уруғ пуфаги ва циррусдан, урғочилик жинсий органлари эса тухумдондан, тухум йўлидан, оотипдан, бачадонлардан, уруғ қабул қилувчи органдан, Мелис таначасидан ва жинсий тешикдан иборат. Оотипда тухумлар шаклланади ва оталанади,

Мелис таначаси маҳсус безлар ёрдамида тухумларни силжишига ёрдам берувчи, оотип ва бачадонга зарар бўлган маҳсус суюқлик ишлаб чиқади. Ташқи эркакли ва урғочилик тешиклари бир-бирига яқин жойда, кўпинча сўрғичлар ўртасида жойлашган умумий бўшлиқ – клоакага очилади.

**Трематодаларнинг қўпайиши ва ривожланиши.** Барча trematodalар жинсий ва партеногенетик йўллар билан қўпаяди ва хўжайнин алмаштириш йўли билан ривожланади. Шунга қўра улар икки, уч ва тўрт хўжайнинли бўлади. Ўзбекистон худудидаги қишлоқ ўжалик ҳайвонларида икки ва уч хўжайнинли trematodalар учрайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар trematodalар учун асосий, яъни дефинитив хўжайнин бўлиб ҳисобланади, ушбу организмларда паразит жинсий вояга етади ва уларнинг охиригача яшайди. Оралиқ хўжайнинлар организмида trematodalарнинг личинкалик тараққиётининг бир кисми ёки барчаси кечади.

Сувда ва қуруқликда яшовчи ўпкали қориноёқли моллюскалар trematodalарнинг биринчи оралиқ хўжайнини бўлиб ҳисобланади. Уч хўжайнин иштирокида ривожланувчи trematodalарда иккинчи оралиқ хўжайнин вазифасини ҳашаротлар ва моллюскалар бажаради. Айрим паррандаларда учрайдиган trematodalар (эхиномастилар) да ҳатто ҳатто бақалар ҳам ушбу жараёнда иштирок этади.

**Қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг фасциолёзи.** Фасциолёз қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда кенг тарқалган ва жуда хавфли trematodоз касалликлари гуруҳига киради.

Фасциолёз ўткир, сурункали ва аралаш, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ўткир, ҳам сурункали оқимларда кечувчи инвазион касаллик бўлиб, у дастлаб ҳайвонларнинг жигар тўқималарида ёшлиқ даврини, сўнгра эса жигар ўт йўлларида вояга етган даврини ўтовчи ҳар хил турдаги фасциолаларнинг паразитлик қилиши натижасида рўй беради.

Фасциолёз барча турдаги қўйчилик, эчкичилик, қорамолчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказувчи гельминтоздир. Ундан айниқса қўйчилик хўжаликлари катта талофатга учрайди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубида фасциолёздан қўйларнинг оммавий равишда нобуд бўлиб кетганлиги қузатилган. Айрим туманларда фасциолёзнинг кенг тарқалганлиги ва иқтисодий зарари туфайли қўйчиликдан воз кечишган ҳолатлар ҳам бўлган. Шунингдек Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қисқа вақтда бир неча юзлаб қорамоллар ҳам унинг ўткир оқимидан нобуд бўлган.

Фасциолёзга чалинган соғим сигирларнинг сут маҳсулоти 20-35% гача камаяди. Барча ҳайвонларнинг гўшт ва жун маҳсулотларининг микдори ва сифати пасаяди. Сўйилган ҳайвонларда эса энг муҳим паренхиматоз орган – жигар истеъмолга яроқсиз деб топилади. Фасциолёз ижтимоий аҳамиятга ҳам эга, чунки унга одамлар ҳам чалинади.

**Қўзғатувчилари.** Фасциолёзнинг қўзғатувчиларининг бирнеча тури мавжуд. Ўзбекистонда уларнинг икки тури тарқалган – *Fasciola hepatica*, (1.1756) ва *Fasciola gigantica* (Cobbold, 1858). *F. hepatica* космополит тур. Чунки у бутун Дуне мамлакатларида тарқалган. Ўзбекистонда у фақат

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида учрамайди холос. Унинг танасининг узунлиги 20-40 мм, эни 11-13 мм, шакли баргсимон, елка қисмлари ривожланган.

*F. gigantica* иссиқлик севувчи ривожланган фасциола, шу сабабли у иқлими бирмунча илиқ мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистоннинг барча суғориладиган, қисман тоғ олди – тоғ агробиоценозларида тарқалган. Ўзбекистонда ушбу трематода, олдинлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарқалишга эга бўлган. 1970 йиллардан бўён унинг кучли ўчоклари бошқа вилоятларда ҳам пайдо бўлди. Эндиликда эса унинг ареали кенгайиб бормоқда. Шунингдек, *F. gigantica* М.Д.Ҳ. орасида барча Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда, шунингдек Озарбайжон, Грузия ва Арманистонда кенг тарқалган, Россиянинг эса жанубий минтақасида учрайди.

*F. gigantica* морфологик жиҳатдан тана шакли ва ҳажми билан кескин ажралиб туради. Унинг танаси узунчоқ, вояга етган трематода, у 30,0-75 мм ни ташкил қиласи, эни эса қисқа 6,0-11,0 мм га тенг, елка қисми ривожланмаган.

Ҳар икала тур фасциолалар гермафродий бўлиб ҳисобланади. Уларнинг уруғдонлари тананинг орқа қисмида жойлашган ва дараҳтдек шохланган. Бачадон ва тухумдан ҳамда жинсий тешиклар тананинг олдинги томонида ўрнашган. Паразитнинг ён томонларида сариғдонлар мавжуд.

*F. gigantica* биологик ва патогенли хусусиятлари билан ҳам *F.hepatica* дан кескин фарқ қиласи. *F. hepatica* нинг оралиқ хўжайинлари доираси, жуда тор ва Ўзбекистонда у фактат кичик лимнеуд *lumnala truncatula* моллюскаси билан чегараланган, *F. gigantica* нинг эса оралиқ хўжайинлари тўрт турга оид лимнейидлардир – *L. auricularia*, *L. bactriana*, *L. subilisjuncta* ва *L. impura*, *F. gigantica* ўткир патогенли фасциола бўлиб ҳисобланади.

## **1.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.**

**Қўзғатувчиларнинг биологияси.** Фасциолалар биогельминт бўлиб ҳисобланади. Фасциолаларнинг барча тараққиёти 4 даврдан иборат.

1.Эмбриогония даври – ўт суюқлиги орқали ичакка ва ундан ташқи муҳитга тушган паразитнинг оталанган тухумини сувда, нам жойда ривожланишидан бошланиб, тухум ичида киприкли, пигментли кузчали миракидиянинг етилиши ва уни тухумдан чиқиши билан тугалланади.

2.Партеногония даври – миракидияни оралиқ хўжайн организмига актив ҳолда танасининг олдинги қисмидаги ҳаракатчан ҳартуми ёрдамида ёриб кириб II-авлод личинка-халтасимон спороциста ҳосил қилишдан бошланади.

Спороцистанинг генератив хужайралилари (партеногенетик тухумлари) дан оталанмасдан эмбрион шарлари, улардан эса халтасимон редиялар пайдо бўлади. Редия хўжайраларидан партеногенетик йўл билан узун думли церкариялар ҳосил бўлади. Аммо бу билан фасциоланинг партеногенетик кўпайиш даври тугамайди. Тажрибаларимизда ушбу жараённи моллюска нобуд бўлгунча давом этиши кузатилган.

3. Цистогония даври – етилган церкариялардан моллюска организмидан сувга ажралиб чиқишидан бошланади ва улардан ўсимликлар ва бошқа предметларга ёпишган паразитнинг юқумли личинкаси –adolескарияларни пайдо бўлиши билан тугалланади. Цистогония даврининг кечиши қуидагича боради: текширишларимзга кўра моллюскадан ажралиб чиқсан церкария думи ёрдамида сузаб, бирор предметга (ўисмликга) ёпишади (сўргичлари билан) танасини йигиб ўзидан цистогенли безларини маҳсулотини ажратиб чиқаради ва у билан ўралади. Дум қисми эса ташқарида қолгач, кучли ҳаракат натижасида қобик қисиб қолган жойидан узилиб тушади. Шундан сўнг ички қобиқлар ҳосил бўлади, личинка яъниadolескарияни юқумли ҳолга келиши Билан цистогония даври тугалланади. Адолескария бита ташки ва 3 та ички қобиқга эга.

4. Маритогония даври –adolескарияларни дефинитив хўжайинга оғиз орқали юқищдан бошланади ва паразит личинкасини уни жигар ўт йўлларига тушиб жинсий вояга етиши Билан тугалланади.

Ҳайвонларнинг ошқозон ва ингичка ичагидаadolескарияларнинг қобиқлари эрийди, улардан ажралган фасциола личинкалари ичак қон томирлари жигар тўқималарига тушади, ёки ичак деворини ёриб қорин бўшлиғидан жигар капсуласини тешиб киради.

Жигар тўқималарига тушган *F. hepatica* личинкалари икки ой ва ундан ортиқ, *F. gigantica* личинкалари уч ой ва ундан ортиқ вақт ичида доимий равишда ҳаракатланиб жигар қон томирлари, капсуласи, тўқималарини бузади бўйига ва энига ўсиб, ҳажми катталашиб боради. Шу орада *F. hepatica* нинг ёш шаклларининг бўйи 18,0-19,0 мм га, эни 7,0 мм га, *F. gigantica* нингшаклларининг бўйи 28-30 мм га, эни 4,0 мм га етади. Бундай йирик ҳажмга эга бўлган фасциолалар жинсий вояга етиш ва кўпайиш учун жигар ўт йўллари деворларини ёриб киради ва у ерда бирнеча йил ҳаёт кечиради.

*F. hepatica* нинг эмбрионал тараққиёт даври, 10-20 кунни, партеногония тараққиёт даври 2-3 ойни, маритогония даври 70-75 кунни ташкил қиласи ёки барча тараққиёт цикли минимум 140 кунга, *F. gigantica* нинг эса барча тараққиёт даври минимум 195 кунга тенг.

**Эпизоологияси.** Фасциолёз Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган. У асосан, суғориладиган ва тоғолди – тоғ биоценозларида учрайди. Унга барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари чалинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фасциолёзнинг қўзғатувчиси *F. gigantica*, унинг оралиқ хўжайнлари *Lymnaca auricularia* ва *I.bactriana* моллюскалариридир.

Ҳайвонларнинг фасциола личинкалари билан заарланиши июн-июл ойларидан бошланади, кузда кучаяди ва қишида ҳам қисман давом этади. Фасциолёз кузда ўткир оқимда, қишида аралаш оқимда, баҳор ва ёзнинг биринчи ярмида сурункали ҳолда кечади.

Фасциоланинг юқумли личинкалари ташки муҳитнинг абиотик омилларига анча чидамли. Қулай шароитда сақланганadolескариялар бир неча ойгача ўз ҳаётчанлигини пичанларда сақлаши мумкин.

Фасциологенли уchoқлардан тайёрланган пичанлар ва шоли сомони хамда бозорларда сотиладиган фасциолёзга чалинган ёки фасциола ташувчи ҳайвонлар орқали Ушбу касаллик бир хўжаликдан иккинчи хўжаликга, бир томондан бошқа томонга, бир вилоятдан иккинчи вилоятга, ҳатто бир давлатдан бошқақ қўшни давлатга тарқалади. Фасциологенли ўchoқлардан сув оқими буйлаб ҳам фасциолёз бир мунча узоқ масофаларга тарқалиши мумкин.

**Патогенези.** Ҳайвон организмига барча ёшдаги фасциолалар кучли патогенли таъсир кўrsатади.

1. Механик таъсир
2. Токсик таъсир
3. Иккиламчи инфекцияларга йўл очиб беради.

**Иммунитет.** Фасциолёзга хос иммунитет деярли ўрганилмаган. Шу нарса маълумки, фасциолёзга барча ёшдаги ҳайвонлар чалинади, аммо унинг янги ўchoқлари пайдо бўлган ҳудудларда касаллик жуда оғир кечади. Шунга кўра фасциолёзда орттирилган иммунитет, қисман бўлсада, мавжуд деб хисоблаш мумкин.

**Клиник белгилари.** Фасциолёзнинг клиник белгилари ҳайвон организмида паразитлик қилувчи ё шва вояга етган фасциолаларнинг миқдорига, ҳайвоннинг озиқлантириш ва асрар шароитига, шунга кўра унинг умумий ҳолатига, фасциолёзнинг қайси оқимда кечишига боғлиқ.

**Кечиши.** Табиий шароитда фасциолезнинг уч оқимда кузатилади: ўткир оқимли фасциолез, аралаш оқимли фасциолёз, сурункали оқимли фасциолез. Ўткир оқимли фасциолез ҳайвонларнинг жигар тўқималарида паразитлик қилувчи ёш фасциолалар томонидан, сурункали фасциолез эса жигарнинг ўт йўлларида яшовчи вояга етган фасциолалар томонидан қўзғатилади. Фасциолёзнинг аралаш оқими эса ҳар икала ёшдаги фасциолаларнинг бир вақтда паразитлик қилиши натижасида рўй беради.

Ўткир ва аралаш оқимларда кечувчи фасолёз, инвазия интенсивлиги юқори бўлганда, жуда хавфлидир (Б.С. Салимов, Ш. Аvezимбетов ва бошқалар).

Майда шоҳли ҳайвонларда фасциолёз уч оқимда кечади. Йирик шоҳли ва бошқа турдаги ҳайвонларда у одатда, сурункали ва аралаш оқимларда руй боради.

Фасциолёзнинг ўткир оқими қисқа вақт ичida ҳайвон организмида кўплаб адолоскарияларни юқиши натижасида содир этилади. Ёш фасциолаларнинг тараққиёти даврида ўткир гепатит ривожланади, жигарда кучли қон кетиш рўй беради. Натижада кўзларнинг шиллик парадалари оқаради. Ҳайвон танасининг ҳарорати  $41,0\text{--}41,6^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади, юрак ўриши 1 дақиқада 160-180 мартагача етади (тахикардия), нафас олиш ҳам тезлашади, ва у бирмунча юзаки бўлади. Қонли ич кетиш, ич қотиш, дамлаш, безовталаниш, тутқаноқ тўтиш ҳолатидан ҳам кузатилиши мумкин. Қўйларда қорин қисми осила бошлайди, ташқи таъсуротга бўлган реакция сусаяди. Бундай ҳолатда специфик ва симптоматик даволаш амалга оширилмаса ҳайвонларнинг умумий ҳолати ёмонлашиб, тезда ёки тўсатдан нобуд бўлади.

Сурункали оқимли фасциолёзда кўйлар ва қорамолларнинг жағости бўшлиғида, кўкрак қисмида, қовоғида, совуқ ва вақтингчалик шиши пайдо бўлади, кўз шиллиқ пардалари сарғаяди, ҳайвон иштаҳаси пасайиб, озғинлана бошлайди, жунлари қуриб синувчан бўлиб қолади ва енгил суғрилади. Тана ҳарорати бироз кўтарилади, юрак уриши ва нафас олиши тезлашади. Фасциолалар миқдори кўп бўлса бўғоз совлиқлар бола ташлайди. Кўйлар орасида сурункали фасциолёзда ўлим кузатилади.

Қорамолларда сурункали фасциолёзда озғинлаш, сигирларнинг сут маҳсулотини камайиши, бола ташлаш ҳоллари рўй беради. Аммо кўйларга нисбатан уларда касаллик анча енгил кечади ва ўлим ҳолати сурункали фасциолёзда, одатда кузатилмайди.

Аралаш оқимли фасциолёзниң клиник белгилари ўткир ёки сурункали оқимларнинг бир-бирига нисбатан устунлигига боғлиқ. Ўткир оқим устунлик қилган фасциолёзниң аралаш оқими оғир кечади, ундаги клиник белгилар ўткир оқимда кечадиган касалликнинг клиник белгиларини эслатади. Сурункали оқим устунлик қилган тақдирда сурункали фасциолёзга хос белгилар намоён бўла бошлайди. Аралаш оқимли фасциолёзда қўйларнинг нобуд бўлиши кўплаб кузатилади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Фасциолёзниң ўткир оқимидан нобуд бўлган қўйларнинг жигари ўз ҳажмига 2-3 марта катталашади, қонга тўлади, қўнғир тусга киради. Унинг юзаси нотекис бўлиб, ёғсимон фибрин билан қопланади. Жигарда ҳар хил ҳажмдаги яралар ва ёш фасциолалар учрайди. Жигар консистенцияси қаттиқ ҳолга келади, циррозга учрайди, қийинчилик билан кесилади. Кесмаларда фибрин турлари ва ҳар хил ҳажмдаги фасциолалар учрайди. Жигар безлари ҳам кескин катталашади, ўт халта ва ўт йўлларида ўт суюклиги бўлади. Қорин бўшлиғида бирнеча литргача оч сарик ёки сарғич рангли зардоб тўпланади. Ушбу патологоанатомик ўзгаришлар Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий вилоятларида кузатилган.

Экологик инқирозга учраган Қорақалпоғистон Республикасида фасциолёзниң ўткир оқимидан нобуд бўлган қўйларда Ш.Д. Авезимбетов (2006, 2007) ўзгача патологоанатомик ўзгаришларни кузатган. Унинг текширишларига кўра ушбу ҳудудда кечадиган фасциолёзниң ўткир оқимида фибриноген, ундан ҳосил бўлувчи фибрин тўрлари ва жигар юзасида фибрин қоплами бўлмайди, жигарда кучли қон кетиш натижасида у бирмунча аҳамиятга учрайди, консистенцияси юмшоқроқ бўлиб, енгил кесилади. Жигар паренхимаси кесмаларида суюқ ва ивиган қон тўпламлари, ўт йўлларига ёриб кира бошлаган фасциолалар изидан кўп миқдорда қонни ўтиши натижасида эса уларда ва ўт халтада кўп миқдорда қон тўпланади. Қорин бўшлиғида ҳам қон рангини эслатувчи геморрагик экссудат йиғилади. Ушбу илмий далиллар Қорақалпоғистон шароитида фасциолёзниң ўткир оқимини жуда оғир кечишидан, жигардаги патологик жараёнларни ўта мураккаблашишидан далолат беради.

Айнан шуларга асосан муаллиф фасциолёзниңг ўткир оқимини ушбу касалликнинг паренхиматози ёки тўқимали оқими деб юритишни тавсия қиласди. Ушбу таклифни фанга киритишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Сурункали фасциоёзда жигар ҳажми ва унинг безлари бироз катталашид,

Ўт йўллари яллиғланади (катаралли холангит), кенгаяди, деворлари қалинлашади, жигар юзасига бўртиб чиқади. Жигар ўт йўлларида қуюқлашган ўт суюқлиги ва вояга етган фасциолалар учрайди. Жигарнинг яллиғланиши ва циррози кузатилади. Айрим ҳолатларда ўпкаларда, талоқ ва ошқозон ости безида капсулага ўралган фасциолалар учрайди. Ҳайвон гавдаси ориқланади, унинг барча бўшлиқларида суюқлик тўпланиб қолади.

**Диагноз қўйиш ва дифференциаль диагноз.** Касалликка диагноз қўйишида клиник белгилари, эпизоотологияси, патологоанатомик ўзгаришлари пухта ўрганилиши билан бирга, якуний хулоса копрологик (тезак, нажасни) текширувдан кейин, яъни микроскоп остида фасциола тухумларини кўргандан сўнг қўйилади.

Фасциолёз тухумлари парамфистоматидлар ва дикроцелий тухумларидан фарқ қилиш керак. Фасциола тухумлар тўқ сариқ рангда бўлади, ичи сариқлик ҳужайралилар билан зич тўлдирилган. *F. hepatica* тухумлари  $0,13 \times 0,14 \times 0,07\text{-}0,09$  мм ҳажмда, *F. gigantica* тухумлари анча иирикроқ ( $0,16 \times 0,10$  мм гача).

Парамфистоматид тухумлари ҳажми жиҳатидан фасциола тухумларига яқин бўлсада, улар оч кулранг тусда бўлиб, тухум ичидаги сариқлик ҳужайралилари унинг фақат бир қисмини эгаллаган. Дикроцелий тухумлари майда, тўқ жигар рангда, ичida эмбрионнинг «кўзчалари» ялтираб туради.

Ҳайвон нобуд бўлганда унинг жигари тўлиқ гельминтологик ёриш йўли Билан ё шва вояга етган фасциолаларга текширилади. Ёш *F. hepatica* нинг бўйи 1,0 мм дан 18,0-19,0 мм гача, *F. gigantica* нинг ёш шаклларининг бўйи 1,0 мм дан 28-29,0 мм гача, оқ, сутсимон рангда. Уларнинг бачадонларида тухумлар шаклланмаган ёки етилмаган.

Вояга етган *F. hepatica* 20-40 мм узунлиқда, баргсимон шаклга эга, *F. gigantica* эса 30-70 мм узунликга эга, тана шакли узунчоқ.

### **1.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.**

**Даволаш.** Фасциолёз билан касалланган ҳайвонларни куйидаги антигельминтиклар билан гижжасизлантирилади: альбендазол (10,0% ли эмульсия) йирик ва майда шоҳли ҳайвонларга 1 мл/10 кг миқдорда; альбен – 1 таблеткадан 50 кг тирик оғирликка; альбазен (2,5% ли эмульсия) – қорамолларга 4 мл/10 кг, қўйларга 2 мл/10 кг; альбенол йирик ва майда шоҳли ҳайвонларга 1 мл/10 кг; клозальбен (порошок – 1 кг нинг таркибида 50 мг клозантел ва 50 мг альбендазол) 2 г/10 кг; фенбендазол (22,2% ли гранула (панакурнинг синоними) – қўйларга 0,2 г/10 кг, қорамолларга 0,35 г/10 кг. Ушбу препаратларнинг барчаси оғиз орқали берилади.

Роленол (синонимии прозонтекс) кўйларга 1 мл/10 кг, қорамолларга 1 мл/20 кг тери остига ёки мускул орасига (бир неча жойга) юборилади. Ушбу антигельминтикни ва дертил «О» ва «Б» ларни фасциолёзнинг ўткир оқимига қарши қўллаш тавсия этилади.

Сурункали фасциолёза тўрт хлорли углерод яхши Самара беради. Кўйларнинг катта қорнига 1-2 мл дан тоза ҳолда, қорамолларнинг мускул остига доғланган пахта ёғида 1:1 миқдорда аралаштириб 10 мл/100 кг га юборилади. Шунингдекрафоксанид, урсоверсамит, фасковерм, фазинекс препаратларини ҳам уларнинг йўриқномаси асосида қўллаш мумкин.

**Олдини олиш чоралари.** Фасциолёзнинг олдини олиш учун уйғунлашган ветеринария-санитария тадбирлари ўtkaziladi. Бу тадбирлар қўзғатувчи биологияси ва қасаллик эпизоотологияси асосида олиб борилади. Бу тадбирларнинг бош бўғинлари: яйловнинг гельминтологик ҳолатини ўрганиш, режали текширишлар олиб бориш, ҳайвонларни гижжасизлантириш ва гўнгни заарсизлантириш ҳисобланади.

Фасциолёз билан заарланган ҳайвонлар учрайдиган хўжайниларда яйлов ва сув ҳавзалари оралиқ хўжайнилар – моллюскалар бор – йўқлигига текширилади. Ҳайвонлар ҳар икки ойда янги боқиладиган жойларга ўtkaziladi. Бундай имконият мавжуд бўлмаганида, яйлов мавсум ўрталарида бир марта алмаштирилади (июль охири ва август бошларида). Носоғлом худудлардан тайёрланган пичанлар, уларни йиғандан кейин 3-6 ойдан кейин ҳайвонларга едирилади. Фасциолёз бўйича носоғлом хўжаликларда моллюскалар биотопларини йўқотиш бўйича тадбирлар ўtkaziladi. Моллюска биотоплари мавжуд яйловлар моллюскоцид препаратлар Билан ишлов берилади. Бу мақсадда мис кўпорос ва  $5,4 \text{ - } 0,3 \text{ г/л}$  моллюскалар биотипига 2 г ҳисобида қўлланилади.

Кичик сув ҳавзаларига (қўлмаклар, ариқлар) 0,2 г/л концентрация миқдорида, оқиб турувчи ариқ ва суғорувчи каналлар сувларига 1 соатга 0,2-0,3 г/л миқдорида қўлланилади.

$5,4 \text{ - } 0,3 \text{ г/л}$  моллюскаларни ишлатилид қўлмаклар, ариқ сувларига 1 г  $1 \text{ м}^2$  майдонга ишлатилади. Ҳайвонларни боқиши учун фойдаланиладиган яйловларга моллюскаларнинг 0,01% ли концентрацияси  $1 \text{ м}^2$  майдонга 0,2 г ҳисобида пуркалади. Моллюскацид препаратларни пуркаш учун ДУК, ВДМ, ЛСД каби махсус механизмлардан фойдаланилади.

Моллюскалар биотопларда мис кўпороси моллюскалар анча фаол ҳаракатда бўлган вақтда қўлланилади. Моллюскацидлар билан биотоплар бир йилда уч марта ишланади: биринчи марта апрель ойида, иккинчи – июль-август ойларида, учинчи – сентябрь ойида. Моллюскацид препаратларини қўлланилганда, препаратнинг балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларига тушмаслиги чоралари кўрилиши лозим.

Мелиорация йўли билан яйловлардаги захкаш жойлар қуритилади, хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган сув ҳавзалари, майда суғориш каналлари ва ташландиқ артезиан қудуклари йўқотилади.

Фасциолаларнинг оралиқ хўжайини кенг тарқалган қўйларда, сув қочириш каналларида ўрдак ва ғозларни сақлаш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонлар ўртасида камида икки марта профилактик мақсадда гижжасизлантириш ўтказиш зарур: биринчи марта – боғлаб боқишига ўтказишдан олдин, иккинчиси – орадан 2-3 ойдан ўтгандан сўнг. Йил бўйи яйловларда боқиладиган ҳайвонлар ўртасида гижжасизлантириш муддати гельминтозларнинг ўлка эпизоотологиясини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ветеринария органлари томонидан белгиланади. Унинг самарадорлиги ҳайвонларга препарат берилгандан 20-30 кун ўтгандан сўнг гельмintoовоскопик текшириш йўли билан аниқланади.

Ҳайвонларни боғлаб боқиши фасциолёзнинг олдини олишда энг самарали усул ҳисобланади. Ҳайвонларни боғлаб боқишига ўтказилгандан кейин (декабрь-январь) гельмintonокрологик текшириш ўтказилади.

Қорамоллар ушланадиган бинолар ва қўй қўралари худудида маҳсус гўнг сақлайдиган жойларнинг курилиши ва гўнгнинг биотермик заарсизлантирилиши, фасциола тухумларининг ташки муҳитга тарқалишининг олдини олишда ишончли воситадир.

### **Назорат саволлари:**

1. Трематодаларнинг морфологияси қандай?
2. Трематодалар қандай кўпайади ва ривожланади?
3. Фасциолёз қандай касаллик?
4. Ҳайвонларнинг фациола личинкалари билан заарланиши қайси вақтларда кучаяди?
5. Фасциолёз касаллиги қандай кечади?
6. Фасциолёз касаллигини даволаш қандай олиб борилади?

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Курбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi". O'quv qo'llanma, Toshkent, 2019 yil

### **Хорижий адабиётлар**

1. Denis Jacobs, mark Fox, Lynda Gibbons, Carlos hermosilla. Principles of Veterinary Parasitology. Wiley Blackwell, USA, 2016 year.
2. Ятусевич А.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. Учебник. Минск, «ИВЦ Минфина», 2017 год.

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

#### **IV. Интернет сайлар**

2. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
4. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
5. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

## **2-Мавзу: Цестодоз касалликларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари (2 соат).**

2.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

2.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

2.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

**Таянч иборалари:** Занжирлilar ва тасмалилар, цистицерк, ценур, цистицеркоид, стробилцерк, плероцеркоид, аноплоцефалаята, довениата, геминоленидата, мезоцестоидата, *Cysticercus bovis*, *taentarhinchus saginatus*, сколекс, стробила, гермафродит ва етилган бўгин, онкосфера, қуролланган.

### **2.1.Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.**

**Цестодалар** – лентасимон яssi гельминт – (чувалчанг) лар бўлиб *Plathelmintes* (Schneider) типига, *Cestoda* (Rudolhi) синфига мансубдир. Ветеринария тиббиёт оламида бу гельминтларнинг Cyclophyllidea – занжирсимонлилар ва *Pseudophyllidea* – лентасимонлилар туркумiga мансуб турлари катта аҳамиятга эга. Ушбу турларнинг ҳайвон ва одам аъзоларида маразийлик қилиб яшапи оқибатида қўзғатиладиган касалликлар эса **цестодозлар** деб аталади.

**Анатомик тузилиши ва ривожланиш схемаси.** Цестодозларнинг танаси яssi ва тасма (лента) шаклида бўлиб, учта: бошқа сколекс, бўйин ва бўғин-проглатид қисмларидан иборат. Уларнинг турларига қараб бўғинлари бир нача ўнлаб, юзлаб ва ҳатто ундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

Цестода танасининг – стробиласининг узунлиги 0,5 см дан 10 метргача ва ундан ҳам узун бўлади. Сколекс – фақат хўжайн органларида унинг шиллик пардасини шимиб, мустаҳкам ҳолда ёпишиш вазифасини бажаради.

Сколексдан кейинги қисми паразитнинг бўйни бўлиб, бу ўсиш зонасидир. У ердан аста-секин Янги-янги бўғинлар (стробилалар) ўса бошлайди. Цестодларнинг бўғинларитурли хил: тўртбурчак, бодринг уруғига ўхшашиб ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Бўғинларнинг эни ва бўйи ҳам паразитнинг турига боғлиқ. Ҳар бир бўғин ичида органлар системаси жойлашган. Цестодларнинг овқат ҳазм қилиш канали йўқ, улар осмотик усулда бутун танаси билан озиқланади. Жинсий вояга етган цестодлар асосан ингичка ва йўғон ичакларда, уларнинг личинкалари эса турли хил ички аъзо тўқималарида паразитлик қиласади.

**Цестодларнинг танаси** хитин (кутикула) билан ўралган ва унинг остида юпқагина мускул толалари жойлашган бўлади. Паразитнинг асаб системаси сколексда жойлашган марказий асаб тугунчасидан иборат бўлиб, ундан бутун тана бўйлаб давом этадиган асаб толалари бошланади. Ҳар қайси бўғиндан ўтаётган асаб толалари ўзларининг кўндаланг ўсимталари ёрдамида бир-бири билан бириккан бўлади.

**Цестодларнинг чақирав (экскректор)** системаси тебранувчи эпителial ҳужайралидан тузилган бўлиб, юқоридаги (дорсал) ва пастки (вентрал) чақирав каналларидан иборат.

**Цестодларнинг жинсий системаси** жуда ҳам кучли ривожланган. Деярли барча цестодлар хунаса (гермафродит) лардир. Ҳар бир цестод бўғинларида эркаклик ва урғочилик органлари жойлашади. Лекин бўғинда пайдо бўлган биринчи бўғинлар ёш бўлганлиги учун жинсий бўлади.

Бўғиндаги урғочилик жинсий аъзоси уруғлангандан кейин паразитнинг эркаклик жинсий аъзолари атрофияга учрайди. Шунинг учун текинхўр стробиласидаги кейинги бўғинларда фақатгина урғочилик жинсий аъзоларининг элементлари мавжуд бўлади. Танадан ажralаётган бўғин эса тухум билан тўлган бачадондан иборат. Бачадон эса бўғин ичida зич жойлашган бўлади. Тухум билан тўлган энг охирги бўғинлар стробиладан ажralиб, тезак билан бирга ташқи муҳитга чиқариб ташланади.

Цестодларнинг жинсий вояга етган бўғинлари ташқи муҳитда бир неча соатгача ўз ҳаракатини сақлаб қолиб, ҳаракат қилаётган вақтида маълум микдордаги тухумини сиқиб чиқариб туради.

Цестодларнинг эркаклик жинсий аъзоси худи трематодаларникига ўхшашиб уруғдонлардан, уруғдон йўлларидан, жинсий бурса, циррус, эркаклик жинсий тешиги билан тугалланувчи умумий уруғ ўтказувчи йўлдан ташкил топган. Урғочилик жинсий аъзоси оотип билан таъминланиб, унга тухумдон, ариқлик ҳужайралилари, мелис танаачалари, бачадон ва қин туташган бўлади. Қин уруғ ташувчи йўлга яқин жойлашган, унинг бир учи эркаклик жинсий тешигининг ёнидан очилса, иккинчи (ички) учи оотипга очилган бўлади. Тухумлар вояга етгандан кейин бачадонга тушади. Цестодларнинг айrim гурухлари лентасимонлар, яъни *Pseudophyllidae* туркумига кирувчи турларнинг бачадани очик типда бўлиб, унинг тешиги орқали паразитнинг тухумлари ташқи муҳитга чиқариб ташланади.

Занжирсимон гурух, яъни *Cyclophyllidae* туркумига кирувчи турдаги лентасимон гельминтларнинг бачадони эса берк бўлиб, дараҳт бутоқлари каби шохлари бўлади. Шунинг учун уларнинг тухумлари бачадонда тўпланади ва вояга етган бўғинлари билан бирга тезакка аралашиб, ташқи муҳитга чиқариб ташланади. Айrim турларнинг бўғинлари ҳаракатчан бўлиб, орқа чиқарув тешикка – анусга қараб ҳаракат қиласи.

**Лентасимон гельминтларнинг тухуми** юмалоқ ёки овал шаклида бўлиб, тўрт қават парда билан ўралган. Тухумдон ичida тайёр уч жуфт илмоқли эмбрион бўлиб, икки қаватдан иборат кўндаланг йўлли пардада онкосфера жойлашган. Лентасимон гурухига, яъни *Pseudophyllidae* туркумига кирувчи цестодларнинг тухумлари эса трематодаларникига ўхшашдир. Цестодлар одатда икки ёки уч оралиқ хўжайин иштирокида ривожланади. Тезак билан ташқи муҳитга чиқариб ташланган тухум оралиқ хўжайин организмига тушиб, личинкалик босқичигача ривожланади.

Айрим цестодларнинг онкосферасидаги (эмбрионидан) оралиқ хўжайин танасидан цистицеркоид деб аталувчи личинка, бошқа турлардаги цестодларнинг тухумларидағи эмбрионлардан эса цистицерк, ценурус, эхинококк, стробилоцерк, дитридий ёки процеркоид деб аталувчи личинкалар ривожланади.

Ҳар қайси турдаги цестодларнинг тухумидан ўзига хос, махсус шаклдаги сўргичли бир ёки бир неча бошчаси (сколекси) бўлган личинкалар етишади. Паразитнинг ҳар қайси бошчасидан охирги асосий хўжайин танасида лента (тасма) шаклидаги цестода пайдо бўлади.

**Цестицеркоид** – жуда ҳам оддий тузилган личинкалардир. Унинг олд қисми узунроқ бўлиб, қўшимча (ортиқча)га ўхшайди. Цестицеркоидлар орибатид деб аталадиган тупроқда яшовчи канна танасига тушган *Moniezia* онкосферасидан, жунхўрлар билан бурга танасида эса *Dipilidium caninum* онкосфераларидан ривожланади.

Цистицерк ёки ғумбак (финна) – юмалоқ ёки овал шаклдаги пуфакча бўлиб, ташқи томонидан бириктирувчи тўқима билан ўралган. Пуфакча тиниқ суюқлик билан тўлган ва унинг ички пардасига биттагина бошча бирлашган. Ушбу бошча қонуний равишда тескари ўтирилган қўлқоп бармоғи каби ичкарига қайрилган бўлади.

Пуфакча ичидаги сколекс бор-йўқлигини аниқлаш учун уни ёриб, парадаларни ажратиб бошчани кўриш мумкин. Ғумбак одатда тариқ донидан каттароқ нўхатдек: масалан, чўчқа гўштидаги – *Cysticercus suis*, қорамол гўштидаги – *Cysticercus bovis*, қуёнларнинг қорин бўшлиғида учраб турадиган – *Cysticercus pisiformis*, товуқ тухуми касаллигидаги – *Cysticercus tenuidea* ичак чарвиларида, жигар устида учрайдиган ингичка ьўғинли бўлиши мумкин.

**Ценурус** - тузилиш жиҳатидан юмалоқ, овал шаклидаги ингичка бўйинли *Cysticercus tenuicollis* га ўхшаш. У ташқи томонидан жуда зич ва қаттиқ бириктирувчи тўқимадан тузилган парда билан ўралган бўлиб, ички суюқлик билан тўлган текинхўр бошчаси – сколекси товланиб кўриниб туради.

Ценуруснинг герментатив парда деб аталувчи энг ички қатламида жуда кўп (100 тадан 600-700 тагача) бошча – сколекс жойлашганлиги бош миясида (айрим ҳолларда қорамолларда ҳам) текинхўрлик қилиб, *Saenurus cerebralis* деб аталади. Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг тери ости ҳамда гўшт қатламрида *Saenurus cerealis* деб аталувчи ценуруслар ҳам жуда кўп учрайди.

**Эхинококк** – тасмасимон яssi гельминтлар орасида энг мураккаб шаклдаги пуфакдир. Эхинококк пуфаклари нўхатдек ва ундан каттароқ, ҳатто одам боши катталигича бўлиши мумкин. Пуфак суюқлик билан таранг тортилган. У ташқи томонидан уч қатламли парда билан қопланган бўлиб, ташқи биринчи парда бириктирувчи тўқимадан тузилган, иккинчи хитинлашган ва энг ички учинчи қатламга герминатив, яъни эмбрионли қатлам деб юритилади.

Эмбрион парда деворларидан жуда кўп микдорда илмоқли сколекслар ва қин пуфакчалар куртаклаб туради. Ушбу кичкина-кичкина қум донаси ҳажмидаги сколекс ва қин пуфакчалар парда деворидан суюқликка тушиб, эркин сузиб юради.

Айрим хилдаги она эхинококк пуфакчаларнинг ичида иккинчи ва унинг ичида яна навбатдаги пуфакчалар жойлашиб, уларнинг ҳаммаси суюқлик билан тўлиб, ичида сколекслари бўлади.

Шундай қилиб, эхинококкнинг она пуфакчалари ичида иккинчи ва учинчи личинкалар бўлиб, уларнинг ичида яна вояга етмаган навбатдаги личинкалар бўлиши ҳамда герменатив пардасига жуда кўп микдорда сколекс ва қин пуфакчалари борлиги билан бошқа ҳар қандай пуфакчалардан фарқ қиласди. Бу пуфакни аниқлаш ва бошқалардан фарқ қила билиш ветеринария амалиётида эхинококкоз касаллигига қарши қўрашиш тадбирларини ўтказишда катта аҳамиятга эга.

**Стробилоцерк** – сколекси қуролланган танасининг охирги кичкина пуфакчаси бўлиб, уузун бўғинли стробила билан таъминланган личинкадир. Бунга сичқон ва бошқа кемирувчиларнинг жигарида яшовчи личинка – *Hydatigera faenformis* стробилоцерки мисол бўла олади. Одатда Ушбу цестоднинг тасмасимон шакли мушук ичакларида яшайди.

**Дитиридий** – сколекси қуролланмаган, фақат тўртта сўргич билан таъминланган, думидаги қўшимча ўсимтасининг пуфакчаси йўқ личинкадир. Бунга гўштхўр ҳайвонларнинг ичагида паразитлик қиласиган *Mesocestoides Lineatus* мисол бўлиб, унинг личинкаси – дитиридий кемирувчи ҳайвонларнинг тана бўшлигига текинхўрлик қиласди.

**Процеркоид** – танасининг олд қисмида сўргичсимон чукурчаси, дум томонида эса шарсимон пуфакча шаклидаги илмоқли қўшимчаси бўлган личинкадир. Проперкоид икки оралиқ хўжайин (балиқ) танасида плероцеркоидга айланиб, унинг бош томонида жўяксимон сўргич-ботрия ривожланади.

Цестодлар (*Cestoda*) беш туркумга бўлиниб, ветеринария нуқтаи назаридан қуйидаги икки туркумни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

1.«Лентасимонлилар» (*Pseudophyllidea*) туркумига кирувчи вакилларнинг бошчасида – сколексида иккита жўяксимон сўргичи бўлади ёки фақат танасининг олд қисмида битта ботрияси бор. Уларнинг бачадонлари юмалоқ ёки халта шаклида бўлиб, бўғин ўртасида очиладиган жинсий тешиги мавжуд. Тухумларида қопқоқчаси бўлади.

2.«Занжирсимонлилар» (*Cyclophyllidea*) туркумига кирувчи вакилларнинг боши – сколекси тўртта сўргич билан таъминланган бўлиб, жинсий тешиги бўлмайди. Етилган бўғинлари (проглоттилари) танадан узилиб ажралади ва тухумларида қопқоқчаси бўлмайди.

**Қорамолларни цистицеркози (финноз) ва одамларнинг тениаринхози.** Цистицеркоз – гельминтоз касаллик бўлиб, *Cysticercus bovis* личинкалари билан ҳайвоннинг мускул тўқималари ва баъзан бошқа аъзоларининг заарланиши натижасида келиб чиқади.

Кўзғатувчисининг вояга етган турлари (солитерлар) – *Taeniarhynchus saginatus* эса одамларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб, уларда тениаринхоз касаллигини чақиради.

Одамларнинг ичагида қорамолларнинг қуролланмаган солитёри учрайди. Бу гельминтозларда қорамоллар оралиқ, одамлар эса асосий хўжайин ҳисобланади. Баъзи ҳолларда одамлар оралиқ хўжайин бўлишлари ҳам мумкин.

Оралиқ хўжайин (қорамол) озуқа билан гельминт тухумларини ютиб юбориши натижасида заарранишса, асосий хўжайин (одамлар) ғумбак (финна) билан зааррланган гўшtlарни яхши пиширмасдан истеъмол қилиш натижасида зааррланадилар.

**Касалликнинг тарқалиши ва иқтисодий зарари.** Кўп сонли гельминтологик текширувлар шуни қўрсатдики, қорамол цистицеркози билан барча вилоятларнинг фермаларида учраб туради.

Бу касаллик тарқалган оддий хўжаликларда 2,6 – 8,9% моллар зааррланган бўлса, чорвачилик комплексларида у 1,3 – 10,3% гача учрайди. Комплексларда цистицеркознинг кенг тарқалишига асосий сабаблардан бири кичикроқ ҳудудда кўп молларни тўплашдан иборат.

Шунингдек, тениаринхоз билан оғриган кишиларнинг узоқ вақт давомида паразитнинг етук бўғинлари билан тухумларини ажратиши ва уларнинг ташқи муҳитда 12 ойгacha, чорвачилик биноларида 18 ойгacha, ахлат ва сийдикда 8 ойгacha, сувда 6 ойгacha, ўт-пичанда 4 ойгacha сақланиши каби омиллар ҳам инвазиянинг ривожланишига олиб келади.

Республикамиз вилоятларида қўйидаги миқдорда учраши қайд этилган: Қорақалпоғистонда – 7,7, Самарқандда – 7,3, Бухорода – 9,8, Қашқадарёда – 9,3, Фарғонада – 12, Навоийда – 11,5, Наманганд – 13,5, сурхондарёда – 10,3% учрайди. Ваҳоланки, шу вилоятлар гўшт комбинатларининг ишлаб чиқариш ветеринария назорати бўлими ходимлари эса 0,02 – 0,79% учрайди деб ахборот беришган.

Ўзбекистонда бир йилда ҳар ўн минг кишидан ўртacha 24 киши тениаринхоз билан оғрийди. Ана шу ҳисобга жумладан, Хоразм вилоятида 240 киши, Андижонда 323, Қашқадарёда 539, Наманганд 228, Тошкентда 1200, Фарғонада 585, Самарқандда 2800, Қорақалпоғистонда 950 киши Ушбу дард билан шифокорларга мурожаат қилишган.

Ўзбекситон шароитида асосан қорамолларда кўпроқ учрайдиган цистицеркоз касаллиги сўйилаётган молларнинг 10% га яқинида мавжудлиги аниқланмоқда. Ветеринария мутахассислари бу касалга чалиниб сўйилган моллар гўштининг 1% ини истеъмолга яроқсиз деб топмоқдалар.

Бундан ташқари, цистицеркоз касалига чалинган бокувдаги ёш мол ўртacha 40 кг вазнда семизликдан қолади.

**Касаллик қўзғатувчининг тузилиши.** Одамлар ингичка ичагида яшовчи занжирсимон гельминтларнинг вояга етган турлари тасмасимон шаклдаги узунчоқ яssi танадан иборат бўлиб, қўйидаги қисмларга: бошчаси (сколекс), бўйинча ва ундан чиқувчи кўп сонли яssi бўғинлар – стробилага бўлинади.

Гельминтнинг бошчаси (сколекс) текинхўрнинг ичак деворига ёпишиб олишида қўл келади. Унинг ёпишиб олишида 4 та сўргичи асосий восита ҳисобланади. Гельминтнинг ўсиши қўйидаги тартибда бўлади: бўйинчада бурмача ҳосил бўлиб, у ўсади ва биринчи бўғинга айланади, кейин улар орасидан иккинчи бўғин ўсиб чиқади ва шу тахлитда давом этаверади.

Шундай қилиб, дастлабки бўғин бошчадан анча узоклашгандан кейин унда тўла тухум ҳосил бўлади ва мустақил равишда узилиб, ичакдан ахлат билан ташқи муҳитга чиқади.

Паразит танасининг умумий узунлиги 2 м.гача етади. Ҳар бир бўғин алоҳида организмдек ўзининг барча аъзоларига эга бўлади. Бўғиннинг катта қисмини хунаса жинсий аъзолар эгаллаб олган бўлади. Дастлаб эркаклик жинсий аъзолар – уруғдон ва уруғ йўли, сўнгра эса урғочилик аъзолар – тухумдон, бачадон ва қинлар тараққий этади.

**Ривожланиши.** Одам ахлати билан ташқи муҳитга тушган етук бўғинлар ахлат билан чириб парчалангач, ундаги тухумлар ёруғликка чиқади. Битта гельминт бир йилда 440 миллионгacha тухуми бўлган 25 мингта етук бўғин ажратади.

Тухумлар уч қават парда билан қопланган бўлиб, юмалоқ ёки овалсимон шаклга эга. Унинг катталиги 0,031-0,038 мм гача бўлади. Тухум ичида онкосфералар сақланиб, унинг уч жуфт хитинлик илмоқчалари бўлади. Айнан шулар (онкосфера) одам ва ҳайвонларнинг заарланиш манбай ҳисобланади.

Таркибида тухуми бўлган одам ахлатларининг яйловларга тушиши натижасида сув ва ем-ҳашак ҳам заарланади. Натижада заарланган озуқа ва сув орқали паразит тухуми ҳайвон организмига ўтади ҳамда ошқозон шираси таъсирида тухумнинг пўсти ҳазмланиб, муртаклар (онкосфералар) озодликка чиқади. Кейин эса илмоқчалари ёрдамида ичак деворини тешиб, қон ва лимфа томирларига тушади. У ердан қон ва лимфа оқими орқали барча аъзолар томон ҳаракат қиласи.

Сўнгра мускул тўқималарида ва бошқа аъзоларда жойлашиб олиб, секинлик билан ўсади, илмоқчаларидан ажралади ва бошчаси ичига қайтган ғумбакка (финна) айланиб, уларнинг личинкалик босқичи тугайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорамолларнинг цистеркоз билан заарланишида ягона манба одамлар бўлса, одамларнинг тениаринхоз билан оғришларида эса ёлғиз манба – касал қорамоллардир.

## 2.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

В.С.Ершовнинг (1933) маълумотига қараганда, цистицеркоз билан заарлантирилган бузоқларда ва катта ёшдаги молларда дастлаб тана ҳарорати 40-41 даражага қўтарилиб, нимжонлик, ширроқи ич ўтиши бошланган ва бу ҳол 4-5 кундан кейин тўхтаган. Ҳайвонлар иштаҳасизланиб, кавш қайтариш, ошқозон олди бўлмаларининг ҳаракати тўхтаган.

Ширдон ва тўр қорин босиб кўтарилганда ҳамда оёқ чайнаш, елка ва қорни мускуллари пайпасланганда, ҳайвонлар қаттиқ безовталанган. Шунингдек, кўринарли шиллиқ пардаларнинг оқариши ва намсизланиши кузатилиб, кўз шиллиғи сарғайган ҳамда нафас олиш ва юрак уриши ортиб, минутига 90 тага етган.

6-7 кун ўтгач, ҳайвонлар ўзларини тутиб оладилар ва 8-12 кунга бориб клиник белгилар йўқолади. Айрим ҳолларда касал молларнинг ўндан бир қисми нобуд бўлиши мумкин. Бунда 7-куни тана ҳарорати кескин пасайиб, 8-куни ўлади.

Одамлар ичагидаги ёш паразитлар 7-10 см ўсса, унинг етук турлари 6-7 см ўсади. Бу асосий хўжайн (одам) организми ҳисобидан бўлиб, у кишини ориқлашга, бўшашишга, уйқучан бўлиб қолишга олиб келади.

Айниқса, ёш болалар ва ўсмирларда касаллик оғир кечади. Шўх, ҳаракатчан болалар ялқов ва инжиқ бўлиб қолишади.

**Паталогоанатомик ўзгаришлар.** Цистицеркоздан ўлган ҳайвон танасининг шикастланган қисмларида мускуллар, қон томирлари ва асаб қисмларининг сезиларли даражада морфологик ўзгариши қайд этилади. Гистологик текширувда ғумбаклар жойлашган қисмларда эозинофил лейкоцитларнинг тўпланиб қолганлиги кузатилади. Кичик веналар ва капиллярлар кенгайиб, қон билан тўлганлигини, айрим томирлар атрофида қон қуйилганлиги сезилади. Мускул толалари бироз шишган ва лойқаланган бўлади.

**Касалликнинг олдини олишдаги умумий тадбирлар.** Бунда қорамолларнинг цистицеркоз билан заарланишининг олдини олишда қуидаги тадбирлар муҳим аҳамияга эга.

1.Чорвачилик ферма ва комплексларида ветеринария-санитария қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

2.Маълумки, цистицеркоз билан касалланган ҳайвонларни ўз вақтида аниқлаш учун уларнинг тили пастки томонидан пайпаслаб кўрилади. Бунда тилнинг пастки қисми шиллиғи тагида буғдой дони ёки нўхатдек бўлган цистицерклар яхши кўриниб туради. Бу усул билан 65-70% заарланган ҳайвонни аниқлаш мумкин. Шунингдек, цистицеркоз кўп учрайдиган хўжаликларда бу усулни кенг қўллаш;

3.Носоғлом деб ҳисобланган хўжаликларда нилверм (тетрамизол) дорисини қўллаш йўли билан ҳар бир молни гельминтсизлантириш тавсия этилади. Бунда 100 мл дистилланган сувга 10-12 г нилверм эритилиб, асептик эритма тайёрлаш тавсия этилади.

4.Молларни хўжалик шароитида сўйиш учун албатта маҳсус жиҳозланган жой бўлиши лозим. Бунда совутгич хоналар ҳам зарурлигини унутмаслик керак;

5.Сўйилган мол гўшти ва бошқа органларни албатта ветеринария кўригидан ўтказилиб, лозим топилганлари заарсизлантирилади, ўта шикастланганлари эса куйдириш ёки кўмиш йўли билан йўқотилади;

6.Ўлик жасадларни йиғиш ва утилизация қилишни тўғри ташкил этиш, уни яхшилаб жиҳозлаш лозим.

## **2.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.**

**Қорамол цистицеркозига қарши кўрашишнинг ветеринария-санитария тадбирлари.** Барча чорвачилик хўжаликлирида цистицеркоз касаллигининг олдини олиш учун қўлланиладиган тадбирлар режали равишда ташкил этилиб, унга тўла амал қилиниши лозим.

Бу тадбирлар қуидаги талабларни бажаришдан иборат:

1. Қорамол гўштини цистицеркозга қарши ветеринария-санитария экспертизаси қилиш.

2. Экспертиза ветеринария врачи ёки фельдшер қуидагича ўтказиши лозим: дастлаб тил ва чайнаш мускуллари, сўнгра юрак, ички органлар ва тана мускуллари текшириб кўрилади.

3. Ташқи чайнаш мускуллари ҳар икала томонидан узунасига 2-3 мм чуқурлиқда ва 8-11 кенгликда юпқа қилиб кесилади, у ташқи юзасига параллел ва пастки жағнинг қуи қисмидан ёноқ суюгига йўналган бўлади. Ички чайнаш мускуллари эса битта узунасига кесилиб пастки жағ юзасига паралелл ва унинг четки қисмидан қанотсимон суюкка қараб йўналтирилади.

4. Юракни текшириш эса, унинг кўйлакчасини ёриш ва эпикардни кўрикдан ўтказишдан юошланади. Цистицеркларнинг эпикард тагида учраши кўп кузатилади. Сўнгра эса узунасига икки-уч марта кесилиб, ўнг ва чап бўлмалар ҳамда қоринчалар очилгач миокард ва эндокардга қаралади.

5. Ҳайвон гўшти текширилганда, елка-кўрак бўғин мускуллари, диафрагма, бўйин, энса ва чукур бел мускуллари кесб кўрилади. Бўйин мускулларини кесганда, дастлаб трапециясимон мускул кўрак суюгининг олдинги қисмидан биринчи бўйин умуртқасига (атлантга) қаратиб кесилади ва кўрилгач, мускул толалари йўналишида кесиш давом эттирилади.

6. 40 квадрат сантиметр юзада учтадан ортиқ цистицерк қайд этилганда, жами гўшtlар, ички органлар, тил ва кала утилизацияга юборилади. 40 квадрат сантиметр юзада учтадан кам цистицерк бўлган ҳолда эса гўшт, ички органлар, ёғ, мия, елка ва оёқлари тўла заарсизлантирилади.

**Цистицеркоз билан заарланган қорамоллар гўштларини заарсизлантириш.** Бунда асосан уч хил – қайнатиш, музлатиш ва тузлаш усуллари мавжуд бўлиб, қуидаги тартибда амалга оширилади.:

1. Қайнатиш учун гўшт 8 см қалинликда ва 1,5-2 кг оғирликдаги бўлакларга бўлиниб, очик буғ қозонларда 3 соат, 0,5 атмосфера босимдаги буғли ёпиқ қозонларда эса 2,5 соат давомида қайнатилади. Гўшт бўлакларининг ички ҳарорати 80 даражага етгандагина, заарсизлантирилган ҳисобланади;

2. Музлатиш усулида заарсизлантирилганда, гўштнинг ички ҳарорати бирданига – 12 даражагача совутилади ёки – 6 даражагача совутилиб, - 9 даражали музхонада 24 соат давомида сақланади. Агар музхона – 16-17 даражада бўлса, гўшт қотадиган ҳарорат 3 суткадан кейингина – 6 даражага совуши мумкин;

3. Гўштни тузлаб заарсизлантирилганда, қишлоқ усулдан фойдаланилади: гўшт 2,5 кг дан ортиқ бўлмаган бўлакларга бўлинib, унга туз сепилади ва қават-қават қилиб идишларга тахлаб жойлаширилади. Устидан эса гўшт умумий оғирлигининг 10 фойизини ташкил этадиган миқдорига етгунча туз сепилади. Сўнгра Бомэ усули бўйича 24 даражада иссиқликдаги шўр сув қўйилиб, 20 кун сақланади;

4. Цистицеркоз қайд этилган барча ҳолда ветеринария ходимлари табобат (медицина) ташкилотларини огохлантириши ва инвазия манбай аникланиб, уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилиши лозим.

5. Шунингдек, гельминтологик билимларини чорвадорлар ва барча аҳолига кенг тушунтириш ҳам ветеринария мутахассислари билан шифокорлар зиммасига юклатилади.

#### **Цистицеркоз ва тениаринхоз касалликларининг олдини олишда тиббий-санитария тадбирлари:**

1. Йилнинг ҳар чорагида бир марта барча чорвадорлар, уларнинг оила аъзолари ва яқин атрофда яшовчиларда тениаринхоз ташувчиси бор ёки йўқлигини текшириб туриш.

2. Тениаринхоз билан касалланганларни шифохоналарга ётқизиш ва даволаш (гельминтсизлантириш, ахлат (экскремент) ларини ва тушган гельминтларни қайнатиш йўли билан заарсизлантириш).

3. Тениаринхоз ва цистицеркоз кенг тарқалган ўчоқларда чорвадорларга йилига икки марта фенасал ичириб, химиявий усулда касалликнинг олдини олиш.

4. Чорвачилик ферма ва комплекслар атрофида 100 м дан узок бўлмаган масофада чуқур қазиб, томи ёпилган ҳожатхоналар куриш ва уларни юз-қўл ювгич, совун, сочиқ билан жиҳозлаш.

5. Заарсизлантирилмаган ҳожатхона чиқиндиларини ўғит сифатида далаларга сепишни манн этиш.

6. Аҳоли ўртасида доимий равишда санитария-тушунтириш ишлари олиб бориши.

7. Барча кишиларга тениаринхоз ва цистицеркоз кўзғатувчисининг ривожланиш босқичларини тушунтриш.

8. Аҳолига хом ва яхши пишмаган гўшт ҳамда гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш хавфли эканлигини ўқтириш.

9. Ҳар бир киши ўз ахлатида гельминт бўғинчалари борлигини сезганида, дарҳол шифокорларга учрашиши лозимлигини билиши шарт.

#### **Назорат саволлари:**

1. Цестодалар қўзғатувчиси анатомик тузилиши қандай?
2. Цестодларнинг тана тузилиша қанақа?
3. Лентасимон гельминтларнинг тухуми тузилиши қандай?
4. Ценурус касаллигига тасниф?
5. Қорамолларни цистицеркози (финноз) ва одамларнинг тениаринхози нима?

## **Кўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А.Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.

2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.

## **IV. Интернет сайtlар**

1. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

2. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

### **3-Мавзу: Протозоозларнинг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш (2 соат).**

3.1. Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.

3.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.

3.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.

**Таянч иборалар:** *Пироплазм, цитоплазм, узак, хивчин. Техас касаллиги, қон сийиши, стериль, нострель, специфик, симтоматик, азидиназация,*

#### **3.1.Касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчининг тузилиши.**

**Протозоозларнинг умумий тавсифи.** Протозоология бир хужайрали патоген содда ҳайвонлар (*Protozoa*) ва улар томонидан қўзғатиладиган касалликлар тўғрисидаги фандир. Ветеринария протозоологияси ҳайвонлар организмида бир хужайрали паразитларнинг текинхўрлик қилиши туфайли содир бўладиган касалликлар протозоозларни ўрганади. Ветеринария протозоологияси фанининг асосий вазифаларига паразитнинг морфологик тузилишини ва биологиясини ўрганиш, қўзғатувчиларни турларини аниқлаш ҳамда ҳайвонларга касаллик қўзғатувчиларини юқиши йўлларини аниқлаш киради. Шу билан биргалиқда протозоология фани касаллик қўзғатувчи бир хужайрали содда ҳайвонларнинг хўжайин организимига кўрсатган патоген таъсирини диагноз қўйиш усууларини маҳсус (специфик) ва патогенетик даволаш усууларини ва мазкур касалликларни олдини олиш чораларини хам ўргатади.

**Ветеринария протозоологиясининг асосий ривожланиш босқичлари.** Бир хужайрали содда ҳайвонларни микроскопик организмлар сингари олдин микробиология соҳасидаги олимлар ўргангандар. Уларни кейинчалик (XIX аср охирида ва XX аср бошларида) алоҳида ажратиб маҳсус протозоология фани мустақил ўргана бошлади. Ўша йиллар бир хужайрали патоген содда жониворларни ўрганиш борасида бир қанча катта аҳамиятга молик ажойиб кашфиетлар тадқиқ қилинди. Трипанозомоз, малярия, пироплазмидоз, эймериозлар ва бошқа касаллик қўзғатувчилари аниқланди, медицина ва ветеринарияда протозоология бўйича олиб борилган бир қатор илмий текшириш ишлари туфайли кўпгина давлатларда эпидемия ва эпизоотиянинг сабабчилари бўлган протозооз касаллик қўзғатувчиларини аниқланишига сабаб бўлди. 1988 йили Бабеш Руминияда қорамоллар орасида кенг тарқалган "Қон сийиши" қасаллигини қўзғатувчисини очишга эришди. 1669 йили Смит ва Кельборнлар хам қорамоллар қони таркибида пироплазмийларни топиб, шу билан Америкада "Техас иситмаси" деб ном олган касаллик қўзғатувчиси *P. bigeminum* эканлигини исбот қилдилар.

1893 йили бу муаллифлар пироплазмоз касаллигини қўзғатувчилари касал ҳайвон организмидан соғломларига ялов каналари орқали юқишини аниқладилар. Бу эса фан оламида одам ва ҳайвонларнинг турли касалликлари сабабчиси бўлган бир хужайрали организмлар туғрисидаги янги кашфиет эди.

Рус олими Д.Л. Романовский содда оранизмларни буяш учун маҳсус буёқларни кашф қилиши, протозоология фанини ривожланишига ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилди. Протозоология фанининг ривожланишида И.И.Мечников ва Д.Л.Романовскийларнинг таъсири бениҳоят катта бўлган. Улар биринчилар қаторида одамларнинг безгак касаллиги қўзғатувчиси содда организмлар эканлигини исботладилар. Одам ва ҳайвонлар протозоозларини даволаш усулларини ишлаб чиқиша, доривор моддаларининг касаллик қўзғатувчиларига таъсирини ўрганишда П.Эрлих ва Д.Л.Романовский ишлари мухим ахамиятга эга бўлди. Бунда, шунингдек И.И.Мечниковнинг иммунитет хақидаги илмий изланишлари хам мухим роль ўйнади.

Туркистон ўлкасида йирик шохли ҳайвонлар пироплазмози бо-расида биринчи илмий асосланган маълумотлар 1910 йили, В.И.Стольников томонидан берилиб, у бу касалликнинг эпизоотологик маълумотлари, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари хақида баен қилиб, пироплазмоз касаллигини тейлериоэ касаллигидан фарқ қилган,

1913 йил йирик протозоолог олим В.Л.Якимов Туркистон ўлкасига бўлган экспедицияни бошқариб трипаносомоз, лейшманиоз, пироплазмидоз касалликлари борасида кўпгина илмий-текшириш ишларини олиб бордилар ва касаллик қўзғатувчиларини ташувчи-каналарнинг фаунасини аниқладилар. В.Л.Якимов ва унинг кўп сонли шогирдлари томонидан ветеринария протозоологиясига оид бажарилган асосий илмий-текшириш ишлари катта ахамиятга молиқdir.

Г.А.Оболдуев ва унинг илмий ходимлари изланишларининг мақсади пироплазмоз касаллигини олдини олишга қорамолларни эмлаш билан эришишга қаратилган эди.

Ўзбекистонда йирик шохли ҳайвонлар тейлериози тўғрисидаги маълумотларни 1906-1911 йиллари И.М.Ковалевский хам баён қилган. У ҳайвон қонини микроскоп остида текшириб, уларнинг бирида ноксимон, бошқасида юмалоқ, яна бирида нуқтасимон паразитлар борлигини аниқлаган.

Касал ҳайвонларнинг ички органларидан талоқ, бўйракни ўзгарганлиги ва сийдик пуфагида қонсиз сийдик борлигини хамда ширдоннинг шиллиқ пардаларида ҳарактерли ярачалар борлигини қайд этган.

Ўзбекистонда бошқа фанлар қатори ветеринария аанлари хам ўз равнакини 1920 йиллардан сўнг топди. 1924 йилнинг март ойида Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб илмий муассаса - Туркистон ветеринария бактериологик лабораторияси ташкил этилди ва ундан кейинчалик ветеринария илмий-текшириш институти пайдо бўлди.

Бу воқеа Ўзбекистонда ветеринария фанини, шу жумладан прото-зоология фанини ривожлантиришга бекиёс катта хизмат кўрсатди. Бу билимгоҳ жамоаси ўзининг биринчи илмий текшириш ишларини бу ўлкада кенг тарқалган қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пироплаэмидозларини ўрганишдан бошлади.

Пироплазм, франсаиел ва тейерияларнинг иммунобиологик хусусиятлари А.В. Богородицкий томонидан ўрганилган.

П.Н. Ли, К.О. Орифжанов ва бошқаларнинг олиб борган илмий ишлари туфайли Ўзбекистонга олиб келинган йирик шоҳли ҳайвонлар орасида пироплазмоз касаллигини олдини олишнинг самарали чоралари ишлаб чиқилди.

С.А. Нодиров, К.О. Орифжанов, Т.Х. Рахимов, И.Р. Расулов ва бошқалар томонидан Ўзбекистонда йирик ва майда шоҳли ҳайвонларнинг анаплазмоз касаллиги тарқалишининг биологик қонунлари ўрганилди ва уларни ташувчи каналар аниқланди.

Шунингдек, ЎзВИТИ илмий мактабида К.О. Орифжонов, И.Х. Расулов, С.К. Бобоева, В.Ф. Боков, А.О. Орипов, З.М. Бернадская, А.В. Богородский, В.В. Валиевлар ҳам каналар, пироплазмозларнинг биологияси ва иммунитети каби йўналишларда салмоқли тадқиқотлар ўтказишган. Профессор У.У.Узоқов каналар ва пироплазмидозларга оид кенг қамровли текширувлар ўтказиб, илмий-амалий аҳамиятга молик натижаларга эришган.

1986 йилда эса бир гуруҳ УзВИТИ олимлари йирик шоҳли ҳайвонларнинг тейлериозига қарши вакцина ишлаб чиқиб Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Сўнги йилларда Т.Х. Рахимов, Э.К. Шмунк, Б.А. Каримов, А.Г. Гофуров, М.Т. Турсунов ва бошқалар пироплазмидозларга оид кенг қамровли текширувлар ўтказишиб, мазкур соҳа ривожига баракали улуш қўшмоқдалар. Сўнги илмий-текшириш ютуқларига асосланган ҳолда 1980 йили содда ҳайвонларнинг янги систематикасини яратишга ҳаракат қилинди. Левайн ўзининг 15 кишилик ҳамкаслари билан қўйидаги систематикани яратди. Бу систематика бўйича барча содда ҳайвонлар токсономия бўйича халқаро комитетнинг қарорига асосан *Protozoa* ҳайвонот оламига бирлаштирилган, у эса еттига типга бөслинади, аммо бўлардан ветеринария соҳаси бўйича учтаси аҳамиятлидир.

**Хусусий протозоология.** Споралилар томонидан қўзғатиладиган касалликлар. Apicomplexa типи, Sporozoa синфиға, бир неча туркум вакиллари киради, жумладан ветеринарияда аҳамиятга эга бўлганлари:

*Piroplasmida* ва *Coccidiida* туркумларидир. *Piroplasmida* туркумига Babesiidae ва Theileriidae оила вакиллари киради. Babesiidae оиласига Babesia, *Piroplasma* ва *Francalella* авлодлари, Theileriidae оиласига эса Theilerie ва Nuttallia авлодлари киради.

*Coccidiida* туркумига жуда көп оила вакиллари киради, аммо ветеринарияда факатгина Eimriidae оиласига мансуб бўлган Eimriidae кенжа оиласига киравчи Eimria авлоди ва Isosporinae кенжа оиласидан эса Cystoisospora, Toxoplasma, Sarcocystis, Besnoitia ва бошқа авлодлар аҳамиятга эга.

**Ҳайвонлар пироплазмидозлари.** Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг пироплазмоидлари катта гурух касалликларини ўз ичига олиб, бир хўжайрали содда организмларнинг эритроцитларда ёки бошша ретикулоэндотелиал система ҳужайраларида паразитлик қилиши туфайли содир бўлади.

Касаллик қўзгатувчиси касал ҳайвонлардан соғломларига каналар томонидан юқтирилади ва улар шу сабабли трансмиссив касалликлар группасига киради. Мазкур группа касалликлари тана ҳароратининг кўтарилиши, анемия, сарфайиш, юрак қон айланиш ва ошқозон-ичак системалари фаолиятининг бузилиши билан ҳарактерланади.

Қорамолларнинг пироплазмидозлар дунёнинг кўпгина давлатларида кенг тарқалган бўлиб, қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтиради. Масалан: тропик давлатларда 600 млн.дан кўпроқ моллар бабезиоз ва пироплазмоз, 200 млн.дан кўпроқ моллар эса тейлериоз билан касалланади. Осиё қитъасининг жанубий-марказий қисмида жойлашган давлатларда ҳар йили 10 дан 67 млн.гача қорамоллар қон паразитар касалликларига чалинади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудуларида ҳам қорамолларнинг пироплазмидоз (пироплазмоз, бабезиоз-франсаиеллёз, тейлериоз) касалликлари кенг тарқалган (Қ. Орифжонов, Т. Рахимов, И. Расулов, А.Faфуров).

Зарафшон водийсида жойлашган туманларда А. Faфуровнинг (1996) маълумотига кўра ҳар йили мавжуд молларнинг 8-11% гача қисми пироплазмидозлар билан касалланади ва ўз вақтида даволанмаса уларнинг 80-90% нобуд бўлади ва 10-20% эса ишлаб чиқаришда яроқсиз бўлиб қолади. Ҳозирги замон даволаш усувларини кенг қўллаган тақдирда ҳам молларнинг ўлиши 15-20% ни ташкил қиласди. Ҳар бир касал сигир 171,5 литргача кам сут беради ва 20-25% гача ўз вазнини йўқотади.

**Қорамол пироплазмози** - ўткир кечадиган мавсумий инвазион касаллик ҳисобланиб, *Piroplazma bigemina*-нинг эритроцитларда паразитлик қилиши туфайли содир бўлиб, касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши, шиллик пардаларнинг анемияси ва сарфайиши, гемоглобинурия ҳамда юрак-томир, овқат ҳазм қилиш ва асад системаси орган фаолиятларининг бузилиши билан ҳарактерланади.

**Тарқалиши ва иқтисодий зарари.** Пироплазмоз энзоотик кечувчи касаллик бўлиб, унинг тарқалиши қўзғратувчини асосий ташувчиси бир хўжайнли яйлов канаси *B. calcaratus*-нинг тарқалишига борлиқ бўлади. Пироплазмоз асосан жанубий минтақаларда кенг тарқалган.

Ўзбекистонда қорамол пироплазмози кенг тарқалган касаллик бўлиб, катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бошқа давлатлардан олиб келинган зотли қорамоллар орасида даволаш ва профилактик тадбирлар сиз вақтида ўтказилмагандага ўлим 60-70% ни ташкил этиши мумкин. Уларни қолган қисмида эса насл бериш қобилиятини ва маҳсулдорлигини пасайиши кузатилади (Қ. Орифжонов, Т. Рахимов, А. Faфуров).

**Қўзғатувчиси.** Пироплазмоз одатда эритроцитларнинг марказида жойлашган бўлиб, ҳалқасимон, овал, амёбасимон ва ноксимон (биттабиттадан ва қўшалоқ бўлиб жойлашган) шаклга эга. Бу шакллар орасида қўш ноксимон шакл ҳарактерли ҳисобланади ва улар ўзаро ўткир бурчак ҳосил қилиб туташган бўлади.

Ҳажм жиҳатдан улар эритроцит радиусидан катта бўлади. Эритроцитларда паразитларнинг сони кўпинча 1-2 та бўлади. Эритроцитларни умумий заарланиш даражаси 10-15% га, жуда камдан кам ҳолда 40% гача етади.

Юмалоқ шаклдаги паразитларнинг катталиги 1,5-3 мкм га teng бўлса, қўш ноксимонлари эса 4,5 мкм гача, биттадан жойлашган ноксимон паразитларнинг катталиги эса 3,5-6 мкм гача бўлади.

Пироплазмлар Романовский усулида бўялади, бунда паразитнинг цитоплазмаси қўқимтири рангда бўлса, ўзаги эса қизғиш тусда бўлади.

### **3.2. Касалликларнинг биологик ривожланиши, эпизоотологияси, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари.**

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** Эритроцитларда пироплазмлар оддий иккига бўлиниб, ёки куртакланиб кўпаяди. Кейинчалик эса пироплазмлар ташувчи каналар организмида шизогонал йўл билан бўлиниб кўпаяди. Пироалазмаларни ташувчи каналарга бир хўжайинли кана – *Boophilus calcaratus*, уч хўжайинли кана – *Haemaphysalis punctata* ва икки хўжайинли кана – *Rhipicephalus bursa* киради. Одатда пироплазмоз қўзғатувчилари *Boophilus calcaratus* нинг нимфа босқичида хайвонларга юқтирилса, *H.punctata* ва *Rh.bursa* ларнинг имаго босқичида юқтирилади. Касаллик қўзғатувчиси трансовариал йўл билан каналарнинг наслидан наслига ўтади.

Пироплазмлар организмдан ташқарида 18-20 даражали ҳароратда ўзининг ҳаётчанлигини 24 соат давомида, 35-40 даражали ҳароратда эса 2 кун давомида сақлайдилар.

**Эпизоотологияси.** Пироплазмоз – энзоотик касаллик бўлиб, ташувчи каналарнинг табиатдаги тарқалишига боғлиқ ҳолда рўй беради. *B.calcaratus* биотоплари асосан ҳайдалмаган, тупроғи нам бўлган яйловларда ўтли тўқайзорларда ёки камроқ ўрмонзонларда бўлади.

Пироплазмоз яйловларда пайдо бўладиган ёзги, мавсумий касалликлар гурухига киради. Аммо давлатимизнинг жанубий вилоятларида (Т. Рахимов, А. Щаффоров) каналар хайвонларга бутун йил давомида ҳужум қилиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли бу касаллик йил давомида учраши мумкин.

Бизнинг шароитимизда *Boophilus calcaratus* канаси йил давомида 2-3 генерация беради ва уни ҳайвонларга паразитлик қилиш мавсумий динамикасига боғлиқ ҳолда пироплазмоз касаллиг рўй беради. Демак, касалликнинг энзоотик авж олиши уч хил: баҳорли, ёзги ва кузги бўлади. Баҳорги касалликни авж олиши апрел ойидан бошланиб май ойининг охиригача, ёзгиси июн ойининг охиридан август ойининг бошларигача ва кузгиси эса август ойининг охиридан октябр ойигача давом этади.

Касалликни баҳорги авж олиш босқичи касалланган ҳайвонларни сони жиҳатдан унча юқори бўлмайди, чунки бу инвазиланган канна личинкаларининг баҳорда чиққан личинкалар сонига боғлиқ бўлади. Аммо касалликнинг ёзги ва кузги энзоотияси юқори бўлиб у каналарни кейинги мазкур йил давомида рўй берадиган иккинчи ва учинчи генерацияси билан боғлиқ бўлади. Баҳорда касал ҳайвонларнинг сонини кам бўлиши, ташувчи каналарнинг кўплаб тухум ва личинкаларини қиши даврида нобуд бўлиши билан боғлиқ бўлади. Ёз ва кўз мавзумларида каналар кўлай экологик шароитда бўлганлиги сабабли тезда кўпаяди ва ҳайвонларга кўплаб ҳўжим қиласиди. Табиийки бу даврда касал ҳайвонларнинг сони ортади.

Пироплазмозга барча ёшдаги ва зотдаги йирик шоҳли ҳайвонлар мойилдир. Аммо вари, ориқ, оғир ҳайдовдан (тоғли яйлов шароитларида), касалланиб соғайган ҳайвонлар орасида бу касаллик қийин кечади, соғайиши чўзилади ва ўлим даражаси юқори бўлади. Семиз, ёш ҳайвонларда (1 ёшгача бўлган бузоқларда) эса касаллик енгил кечади, улар тез соғаяди ва ўлим даражаси жуда оз бўлади. Қутос, зебу (ўркачли ҳўқизсимон ҳайвон) ва бошқа абориген ҳайвонларда касаллик мослашмаган, четдан, пироплазмоз учрамайдиган туманлардан олиб келинган ҳайвонларга нисбатан енгил кечади. Ёш ҳайвонларда ҳам худди шундай ҳол қузатилади, маҳаллий зотли сигирлардан туғилган tengdoшларига нисбатан касалликка чидамли бўладилар. Буғоз сигирларда касаллик оғир кечиб, кўпинча бола ташлашга сабаб бўлиши мумкин.

**Клиник белгилари.** Ташувчи каналар орқали касалланган ҳайвонларда касалликнинг инкубацион даври ўртача 15-18 кунга тенг бўлиб, айрим ҳолда 8 кундан 25 кунгача ўзгариб туриши мумкин. Қайвонларни биринчи касалланиши яйловга чиқаргандан 10-15 кундан кейин содир бўлади.

Лекин ҳайвонлар касал ҳайвонлар қони билан заарлантирилганда касалликнинг инкубацион даври 8-9 кунга тенг бўлади. Бир ёшгача бўлган бузоқларда ва катта ёшдаги абориген ҳайвонларда пироплазмоз атипик ҳолда кечади. Бундан ташқари касалликни баҳорги авж олиши пайтида пироплазмоз қўзгатувчилари ташувчи *Boophilus* каналарнинг қишлоқдан чиққан кам сонли личинкалари томонидан юқтирилганда, инвазия ёзги ва кўзги давридагига қараганда енгил кечади.

Иммунитети бўлмаган катта ёшдаги йирик шоҳли ҳайвонларда пироплазмознинг клиник белгилари яққол намоён бўлади. Касалликнинг биринчи кунида ҳайвоннинг тана ҳарорати 41-42 даражагача кўтарилиди ва шу даражада касалликнинг биринчи босқичи давомида сақланади.

Касалликнинг бу даврида касал ҳайвон қонида юмалоқ ва амёбасимон шаклдаги паразитларни, сўнгра касаллик авж олган даврда эса ноксимон (40-60% гача) шаклдаги паразитларни топиш мумкин. Касал ҳайвонларда кескин намоён бўладиган ёлсизланиш аломатлари характерлидир. Бунда ҳайвонларни иштахаси пасаяди, аммо чанқоқлиги юқори бўлади. Сигирларда тана ҳарорати кўтарилгунча сут бериши камаяди.

Шундан сўнг касал ҳайвонлар ташқи муҳит таъсуротларига жавоб бермайдиган, тез чарчайдиган, подадан орқада қоладиган, кўп ётадиган, аммо тез-тез сув ичадиган ва ўрнидан зурға турадиган бўлиб қолади. Касал ҳайвонларнинг пульси 1 дақиқада 100-120 маротаба ўрадиган, кўлни қўкрак қафасига қўйганда уни ўришини сезадиган даражада бўлади. Нафас олиши тезлашади. Ичаклар перистальтикаси касалликнинг 1-2-кунида тезлашган, кўз шиллиқ пардаси дастлаб қизарган, сўнгра оқариб сарғаяётган бўлади. Касалликнинг иккинчи кунида ичаклар қисқариши секинлашган ва катта қорин перистальтикаси ахён-ахёнда рўй берадиган бўлади. Сийдик олдин сарғайган, кейинчалик эса қизарган бўлади. Гемоглобинурия тез-тез сийиш билан боради.

Касалликнинг 3-4-кунида клиник белгилари ўзининг юқори чуққисини эгаллайди. Бу даврда касал ҳайвонлар ориқлаган, кўп ётадиган, овқат ва сувни қабул қилмайдиган, айрим пайтда тишларини ғижирлатадиган бўлади. Шиллиқ пардалар оқарган, сарғаяётган ва кўплаб майда нуқтасимон қон қуйилган жойларга эга бўлади. Катта қориннинг қисқариши мутлақо тўхтаган ёки жуда секинлашган. Юрек дўкиллайдиган ва аритмик ишлайдиган бўлади. Сийдик қўнғир-қизгиш рангда бўлиб, тез-тез ва оз-оздан ажралади.

Қон суюлган, эритроцитларнинг миқдори 1 мм қоннинг таркибида 2,5 млн.гача, гемоглобин 25 фоизгача камайган бўлиб, анизацитоз, пойкилоцитоз ҳоллари кузатилади. Лейкоцитлар миқдори одатда лимфоцитлар сони ҳисобига ошади (71% гача), аммо нейтрофиллар 35% дан 19% гача камаяди. Лейкоцитар формулада таёқча ўзакли ва ёш шакллари чапга силжийди.

Баён этилган клиник белгиларда касаллик 5-7 кун давом этиб, одатда ўлим билан тугайди. Ўлим олдидан тана ҳарорати нормадан пасайиб кетади, бурун тешикларидан кўпиксимон суюқлик ажралади ва оёқ мускуллари вақти-вақти билан қисқаради. Ўлим даражаси 30-40% дан ошмаслиги қайд этилган.

Пироплазмоз атипик кўринишда кечганда касал ҳайвоннинг ҳарорати кўтарилиган, аммо ҳолсизланиши камроқ намоён бўлган бўлади. Иштаҳаси пасайган, аммо кўп сув ичадиган, катта қориннинг қисқариши олдинига тезлашган, кейин секинлашган бўлади. Шиллиқ пардалари оқариб бироз сарғайган, сийдиги сариқ, агар қизарган бўлса ҳам тезда йўқоладиган бўлади.

Касалланиб соғайган ҳайвон организмининг умумий ҳолатининг ёмонлашуви уларни қуёшли кунда яйловга узоқ масофага ҳайдашда содир бўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлари.** Гавда ориқ, уни қотиш даражаси яхши сезиларли. Шиллиқ ва сероз пардалар оқариб сарғайган ва майда нуқтасимон қон қуйилган бўлади. Тери ости түқималари сарғайган. Мускул тўқималари оқарган, қон суюлган ва ёмон қуйилган бўлади.

Қўкрак қафасида ва юрак халтасида бироз оч-қизгиш рангдаги суюқлик борлиги аниқланади. Ўпка ўзгаришларсиз ёки бироз оқарган бўлади. Юрек катталашган, мускуллари бўшашибган ва оқарган, эпикард ва эндокардлар остида нуқтасимон қон қуйилишлар борлигини кўриш мумкин.

Қорин бўшлиғида кўпинча қизғиши тусдаги суюқлик тўпланган, чарви сарғайган бўлади. Жигар катталашган, қаттиқ, қизғиши сариқ тусда, кесганда намли, бўлим чегаралари сезаларли бўлади. Ўт пуфаги катталашшиб деворлари таранглашган ва қўпинча ярим қуюқ консистенцияли қора-қўнғир ёки зангор рангдаги суюқлик билан тўлган бўлади. Уни деворларида майда нуқтасимон қон қуйилишларни аниқлаш мумкин. Талоқ 2-3 барабар катталашган, кесганда намли, пульпаси юмшаган ва бўшашибган бўлади. Буйрак бироз катталашган. Сийдик пуфаги одатда қўнғир-қизғиши ва айрим пайтда қизғиши сариқ рангдаги сийдик билан тўлган бўлади.

### **3.3. Касалликларнинг диагнози, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.**

Асосий патологоанатомик ўзгаришлар ширдон ва қат қоринда рўй беради. Қат қорин кўп ҳолларда қуруқ озуқа массаси билан тўлган бўлади ва у яхши дамланган тўпга ўхшайди. Ширдон эса ярим тўла, шиллик пардалари шишган ва айрим жойлари гиперимиялашган, шилимшиқ моддалар билан қопланган. Лимфа тугунлари, айниқса, чарви лимфа тугунлари катталашган, кесганда намли, қон қуйилган бўлади.

Диагнози бир қатор комплекс текширувлар асосида қўйилади. Пироплазмоз касаллигини эпизоотологик белгиларидан ҳайвонларни яйловларда боқилиши ва касал ҳайвон танасида касаллик қўзғатувчисини ташувчи кана *B.calcaratus* ни топилиши, ҳамда мазкур хўжаликда ўтган йиллари бу касалликни учраганини аниқлаш аҳамиятлидир. Касал ҳайвон текширилганда, уларнинг тана ҳарорати юқори бўлиши, шилимшиқ пардаларнинг оқариб сарғайиши ва гемоглобинурия жараёни борлиги эътиборга олиниши керак. Ўлган ҳайвон жасадлари текширилганида тўқималарнинг анемия ҳолати, талоқнинг гиперплазияси, сийдик пуфагининг қизарган сийдик билан тўлганлигини, қат қориннинг озуқалар билан тўлиб қолганлигини аниқлаш касалликка диагноз қўйиш учун ёрдам беради. Юқорида айтилган белгилар касалликка гумон қилиш имконини беради, аммо албатта бундай ҳайвонларнинг периферик қон томиридан биринчи қон томчиси олиб, ундан тайёрланган нозик суртма микроскоп остида текшириб, касаллик қўзғатувчиси *F.bigeminum* ни топиб, сўнгра диагноз тасдиқланиши зарур. Пироплазмоз билан касалланган ҳайвонларнинг клиник белгилари кўп жихатдан куйдирги, лептоспироз ва бошқа касалликларга ўхшаш бўлади. Пироплазмознинг куйдирги билан бирга кечишида организмга юборилган маҳсус дори-дармонлар натижа бермайди ва улар тезда ҳалок бўлади. Лептоспирознинг пироплазмоз билан умумий бўлган белгиси – бу гемоглобинуриядир. Аммо лептоспирозда тана ҳарорати нормада бўлиб, барча тўқималар кучли сарғаяди, ёриб кўрилганда ички органлардан талоқ катталашган бўлади. Пироплазмоз билан лептоспироз биргаликда кечганида маҳсус дори моддалар қўлланилганида тана ҳарорати нормаллашади ва пироплазмалар қондан йўқолади, аммо сийдик анча вақтгача қизғишилгигача қолади. Бу вақтда лептоспирозни аниқаш учун қўшимча текширишлар олиб бориш зарур.

**Даволаш.** Касал ҳайвонлар подадан ажратилиб, турли ишлардан озод қилингач, тоза, салқин ва қалин тўшамалар солинган молхоналарда асралиши керак. Улар доимо яхтай тоза сув ва енгил ҳазм бўладиган ширали озуқалар билан таъминланиши керак. Озуқа рационига сут зардоби ёки янги соғиб олинган сутни бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун касал ҳайвонларни симптоматик усуллар билан даволаш лозим, бунингучун сурги тузлари (ўсимлик мойлари) ошқозон-ичак системасининг ҳолатига кўра бир неча кун давомида берилиши зарур.

Юрак фаолиятини тиклаш ва нормаллаштириш учун касал ҳайвонларга вақт-вақти билан кофеин, камфора ва бошқа дорилардан юборилади. Этиотроп дори моддалар қўлланилгандан кейин касал ҳайвоннинг тана ҳарорати нормадан пасайтганда ёки кескин пасайиб бораётганда дархол спиртни сувдаги эритмасини (100-150 мл спиртни 0,5-1 л сувдаги эритмаси) ёки 200-250 мл ароқни ичирилиши ҳамда спиртни 30 даражали эритмасидан 250-300 мл томирга юборилиши керак. Касаллик оғир кечганида ҳайвонларга 0,5-1 литр физиологик эритма ёки глюкоза томирга юборилиши яхши натижа беради.

Пироплазмоз касаллигига этиотроп моддалардан азидин тавсия этилади. У касал ҳайвонларнинг ҳар бир кг тирик вазни ҳисобига 0,0035 г ёки 3,5 мг дан қуруқ модда олиниб, уни дистилланган ёки қайнатилган сувда 7% ли қилиб эритиб, эритмани тери остига ёки мускул орасига юборилади. Диамидиндан ҳайвоннинг ҳар бир кг тирик вазни ҳисобига 0,001-0,002 г ёки 10-20 мг дан қуруқ модда олиб, уни дистилланган сувда 7% ли қилиб эритиб мускул ораси ёки тери остига юборилади. Этдин-этоний ва диамидин препаратларининг 4% лик аралашмасидан ташкил топган. Ҳар 100 кг тирик вазнига 5 мл дан мушаги орасига ёки тери остига юборилади.

**Профилактикаси.** Хўжаликда пироплазмоз касаллиги пайдо бўлганида касал ҳайвонлар дархол подадан ажратилиб олиниб, юқорида баён қилинган маҳсус дорилар билан даволаниши лозим, акс ҳолда касаллик ўлим билан якунланади.

Пироплазмоз бўйича энзоотик ўчоқларда касалликни олдини олишни комплекс тадбирий чоралар ўтказилиши керак. Улар касал ҳайвонларни ўз вақтида маҳсус химиявий дорилар билан даволашдан, табиатда асосий ташувчи канна *B.calcaratus* га қарши кўрашдан ва айрим ҳолларда ҳайвонларни эмлашдан иборат. Пироплазмозга қарши иммунизация қилиш мақсадида моллар думининг учига 10 000 микроб танаси миқдорида юборилган пироплазмалар организмда 6 ойгача иммунитет ҳосил қиласди (Каримов, 2000).

### **Назорат саволлари:**

1. Протозоозларнинг умумий тавсифи қанақа?
2. Споралилар томонидан кандай касалликлар қўзғатилади?
3. Қорамолларнинг пироплазмидозларининг тарқалиши?
4. Касалликнинг кечиши?
5. Патологоанатомик ўзгаришлари?

Даволаш усуллари?

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi”. O‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2019 yil

## **Хорижий адабиётлар**

1. Denis Jacobs, mark Fox, Lynda Gibbons, Carlos hermosilla. Principles of Veterinary Parasitology. Wiley Blackwell, USA, 2016 year.
2. Ятусевич А.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. Учебник. Минск, «ИВЦ Минфина», 2017 год.

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

## **IV. Интернет сайtlар**

1. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
2. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
3. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

**1-амалий машғулот. Фасциолёз ва дикроцелиоз касалликларини кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш.**

**Мавзунинг мақсади ва вазифалари:** Дарсда трематодларнинг систематикаси, анатомо-морфологик тузилиши ва биологик ривожланиши, фасциолаларнинг систематикадаги ўрни, морфологияси, биологияси, ҳамда касалликни аниқлаш усуллари, дифференциаль диагнози, даволаш ва олдини олиш тадбирлари ўрганиб ўзлаштирилади.

**Жиҳозлар, асбоб-ускуналар, тезак намуналари, ҳайвон ва парранда.** Макро ва микропрепаратлар, тезак намуналари, реактивлар, қўзғатувчилар ва уларни тухумлари акс эттирилган жадваллар, антгельминтиклар намуналари. Трематодларнинг систематикасини, морфологиясини, жинсий органларини ва тухумлари акс эттирилган жадваллар, макро ва микропрепаратлар, микроскоплар, лупалар.

**Дарснинг ўтиш услуби.** Дикроцелиоз ва простогонимоз касалликларига таъриф берилиб, уларнинг қўзғатувчилари, биологик ривожланиши тушунтирилади. Ушбу касалликларга диагноз қўйиш усуллари, шунга ўхшаш касалликлардан фарқлари, даволаш ва олдини олиш тадбирлари кўриб чиқилади.

**Топшироқ:** 1. Трематодларнинг систематикадаги ўрни, морфологик тузилиши ва биологик ривожланиши билан танишиш.

2. Микроскопда трематодларни тузилишини, жинсий органларини ва тухумларини кўриб, дафтарга чизиб олиш.

3. Фасциолаларни тузилиши, ривожланишини ўрганиб, расмларини чизиб олиш.

**Трематодларнинг систематикаси.** Трематодалар система бўйича Plathelminthes типига, Trematoda синфида ва Digenia кенжа синфида мансуб бўлиб, танаси дорзо-централь томондан яссиланган. Digenia кенжа синфи куйидаги кенжа туркумларга бўлинади: Fasciolata, Paramphistomatata, Echinostomatata, Shistosomatata. Буларнинг ҳар бири эса оила, авлод ва турларга бўлинади.

**Трематодларнинг анатомо-морфологик тузилиши.** Трематодлар ташқи томондан кутикула(тери) билан қопланган бўлиб, айрим трематодларда кутикуласи силлиқ бўлса, айримларида тукчалар билан қопланган бўлади. Кутикула остида мускул қатлами жойлашган бўлиб, улар ўзаро бирлашиб тери-мускул халтасини вужудга келтиради, унинг ичида трематодларнинг барча органлари жойлашган. Трематодларда қон айланиш, нафас олиш органлари йўқ, лекин овқат ҳазм қилиш, айрув, асаб ва жинсий органлари яхши ривожланган.

Овқат ҳазм қилиш органи оғиз сўрғичининг асосида жойлашган оғиз тешигидан бошланади, ундан томоққа, қизилўнгач, ичак найларига ўтилади, унинг уничи берк бўлиб, ҳазмланмаган озуқалар оғиз тешиги орқали ташқарига чиқариб ташланади.

Айрув системаси жуда ҳам оддий тузилган бўлиб, протонефроидал типда, яъни хилпилловчи эпителиядан бошланади, унан экскретор каналига, улар ўзаро бирлашиб сийдик пуфагини ҳосил қиласи ва тананинг пастки қисмининг орқа томонидан сийдик тешиги билан яқунланади.

Асаб системаси трематодларнинг томоги атрофида жойлашган марказий тугунакчадан бошланиб, ундан тананинг пастки ва юқори томонларига б та дан нерв толалари ўтади, улар эса ўзаро кўндалангига нерв ганглиялари билан тулашиб нерв тўрини ҳосил қиласи.

**Жинсий органлари.** Барча трематодлар гермафрорит(факат шистозоматата кенжа туркумидан ташқари, бу к/туркум вакиллари айрим жинси трематодлардир).

**Эркак жинсий органлари.** Бир ёки бир нечта уруғдондан бошланади, ундан уруғ чиқарувчи йўл, умумий уруғ чиқарувчи канал, циррус, простата бези, жинсий бурсадан иборат.

Урғочилик жинсий органлари оотип, тухумдон, уруғ қабул қилувчи халта, сариқлик тана, Мелис таначаси, Лаурев каналчаси, бачадон, қиндан иборат.

**Трематодларнинг биологияси.** Барча трематодлар биогельминт бўлиб, асосий, оралиқ ва қўшимча хўжайнилар иштирокида ривожланади. Трематодлар ташқи муҳитга оталанган тухумларни (ичида милинчаси – мириацидийси шаклланган ёки шаклланмаган) чиқаради. Трематодларнинг тухумлари юмалоқ-овалсимон шаклда бўлиб, бир томонида тугмачасимон қопқоқчаси, бир томонида тикансимон ўсимтаси мавжуд бўлиб, турли хил тусда ва катталика.

**Фасциолаларнинг систематикадаги ўрни:** *Plathelmintes* типига, *Trematoda* синfigа, *Digenia* кенжа синfigа, *Fasciolata* кенжа туркумига, *Fasciolidae* оиласига, *Fasciola* авлодига ва турлари: *F. hepatica* *F. gigantica*.

**Морфологияси.** **Фасциолалар** баргсимон(шамма) ёки лентасимон шаклларда бўлиб, катталиги оддийларника 2-3 см, гигантларники 4-7,5 см гача, эни эса 0,6 – 1,2 см гача. Оддий фасциолаларнинг бош томонида елкани бор, гигантларнида бўлмайди. Тухумлари юмалоқ ёки овалсимон шаклда бўлиб, ичида тухум хужайраси мавжуд. Тухумнинг бир томонида тугмачасимон қопқоқчаси, иккинчи томонида тикансимон ўсимтаси бор, сариқ-тиллоранг тусда.

**Биологияси.** Фасциолалар биогельминт, асосий ва оралиқ хўжайнилар иштирокида ривожланади. Оралиқ хўжайнин вазифасини *Lymnea* авлодига мансуб чучук сув моллюскалари бажаради. Инвазион личикасиadolескарий, препатент ривожланиш муддати 2,5-4 ой, патент даври ўрта ҳисобда 4-5 йил.

**Диагноз.** Комплекс усулда: Эпизоотологик маълумотлар, клиник белги-лар, патанатомик ўзгаришларига қараб ва аниқ диагноз лаборатория шароитида гумон қилинган ҳайвон тезаги гельминтоскопия(кет-ма кет ювиш) ва гельминтоовоскопия (флюотация усулли) усуллари билан текширилиб, паразит тухумларини топиш асосида қўйилади.

Фасциолез касаллигини парамфистоматоз, ориентобильхарциоз, дикроцелиоз, стронгилятозлар, механик гепатит, лептоспироз, оддий диспепсия касалликларида фарқ қилиш керак.

**Даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари.** Даволашда қуйидаги антгельминтик дори воситалари ишлатилади: гексахлорпараксилол, гексихол, гексихол С, 4-хлорли углерод, гексахлорэтан, филиксан, урсовермит, битионол, ацемодофен, фазинекс, дертил, фасковерм, роленол, бронтель альбен ва бензимидазол гурухига мансуб препаратлар тавсия этилган доза ва усулда ишлатилади.

**Дикроцелиоз** – бу 70 турдан ортиқ сут эмизувчи ҳайвонларнинг сурункали оқимда кечувчи трематодоз касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг жигар ўт халтасида ва ўт йўлларида *Dicrocoelium lanceatum* нинг паразитлик қилиши оқибатида қўзғатилиб, касаллик ҳазм орган фаолиятининг издан чиқиши, ич ўтиши, тананинг турли жойларида шишларни ҳосил бўлиши, ўсиш-ривожланишдан орқада қолиш, маҳсулдорликни камайиши билан характерланади.

**Қўзғатувчининг систематикаси.** Касаллик қўзға-түвчиси *Dicrocoelium lanceatum* Plathelminthes типига, Trematoda синфиға, Digenia кенжা синфиға, *Fasciolata* кенжা туркумига, *Dicrocoeliidae* оиласига, *Dicrocoelium* авлодига киради.

**Қўзғатувчининг морфологияси.** Дастваб *Dicrocoeliidae* оиласига мансуб қўзғатувчиларга характеристика берамиз.

***Dicrocoeliidae*** – оила вакилларининг характерли хусусияти шундан иборатки, уларнинг қорин сўрғичининг остида бир-бирига қарама-қарши жойлашган иккита уруғдон, унинг остида эса тухумдон жойлашган. Тухумдон остида эса узун бачадон жойлашган бўлиб, у дастваб пастга борувчи тирсакларни ҳосил қилиб, тананинг пастки қисмигача етиб боради, сўнгра юқорига кўтарувчи тирсакларни ҳосил қилиб тананинг юқори қисмига кўтарилиб, оғиз ва қорин сўрғичларнинг орасида, қизилўнгачнинг бифуркацияланган қисми яқинида, жинсий тешик билан ташқарида тугайди.

***D.lanceatum*** – бу ланцетниксимон шаклдаги трематода бўлиб, узунлиги 7-12, айрим пайтлари 15 мм гача, эни эса 1,5-2,5 мм. Паразитнинг бош томони бироз торайган, орқа томони эса кенгайган. Оғиз ва қорин сўрғичлари бир-бирига яқин жойлашган, ичак найлари тананинг пастки қисмигача етиб борган. Тананинг ўрта қисмида, ичак найларининг ёнида сариқлик танаси жойлашган.

Паразит ташқи муҳитга оталанган, ичида личинкаси шаклланган, юмалоқ-овалсимон шаклдаги, қорматир-қўнғир тусдаги тухумларни ажратиб чиқаради.

Тухумнинг бир томони силлиқ, иккинчи томони қаварган бўлиб, узунлиги 0,038-0,045 мм, эни эса 0,023-0,030 мм га teng бўлиб, бир томонида тутмачасимон қопқоқчаси мавжуд.

**Биологияси.** Паразит биогельминт, асосий, оралик ва қўшимча хўжайнинлар иштироқида ривожланади. Асосий хўжайнинлари – бу 70 турдан ортиқ сут эмизувчи ҳайвонлар, оралик хўжайнини эса *Helicella*, *Zebrina*, *Fruticicola*, *Bradybaena* авлодларига мансуб қуруқликда яшовчи моллюскалар бўлса, қўшимча хўжайнини эса *Formica* ва *Proformica* авлодларига мансуб чумолилардир. Инвазион личинкаси – метацеркарий, препатент ривожланиш муддати – 72-85 кун, паразитлик қилиш даври – 4-5 йил.

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Диагноз комплекс усулда қўйилади: эпизоотологик маълумотлар инобатга олиниши керак, касалликнинг клиник белгиларига қараб ва аниқ диагноз лаборатория шароитида гумон қилинган ҳайвонлардан тезак намунаси гельминтооскопик (кетма-кет ювиш усули) ва гельминтоовоскопик (Фюллеборн, Калантарян, Дарлинг, Щербович) усулларда текширилиб, паразит тухумларини топиш асосида қўйилади, Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбуран сўйилганида эса патологоанатомик ўзгаришларига ва қўзғатувчиси ўзини топиш натижасига кўра қўйилади.

Дикроцелиоз касаллигини фасциолёз, парамфистоматоз, ориентобильхарциоз, кавшовчи ҳайвонларнинг аноплоцефалитозлари, ҳазм орган стронгилятозлари, лептоспироз, паратуберкулёз, колибактериоз, паратиф, диспепсия касалликларидан фарқ қила олиш керак.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора – тадбирлари.** Касалликни даволашда бир қанча антгельминтик дори-воситалар тавасия этилган.

Гексихол катта ёшдаги қорамоллар учун 0,3 г/кг, бузоқлар учун – 0,4, қўй ва эчкилар учун 0,4 г/кг тана оғирлигига емга қўшиб берилади.

Гексахлорпараксилол - қорамоллар учун 0,4 г/кг, бузоқлар учун 0,5, майда шохли ҳайвонлар учун 0,6 г/кг тана оғирлигига, уч маротаба берилади. Гельминтсизлантириш оралиғи бир ой бўлиши керак.

Гексихол С 0,3 г/кг микдорда берилади.

Панакур (фенбендазол) 0,1 г/кг дозада икки маротаба, эрталабки озиқлантириш вақтида емга (1:10 нисбатда) қўшиб берилади. Панакур қорамолларга индивидуал равища 0,15г/кг дозада 0,5-1,0 кг омухта емга қўшиб берилади.

Тафен 0,21г/кг дозада (таъсир этувчи модда ҳисобидан) бир маротаба берилади.

Ринтал (фебантел)нинг дозаси ва қўллаш усули худди панакур препаратига ўхшашидир.

Булардан ташқари, фасциолёз касаллигида ишлатилган антгельминтикларни ишлатиш мумкин.

Касалликни олдини олишда қўйидаги тадбирларни режа асосида мунтазам равища амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ҳайвонларни режа асосида, мунтазам равища гельминтсизлантириш;
- оралик ва қўшимча хўжайнинларига қарши курашиш;
- ҳайвон тезакларини биотермик равища заарсизлантириш;

-хайвонларни рацион асосида тўйимли озуқалар билан озиқлантириб бориши;

**Эуритрематоз** – бу асосан қўй, эчки, қорамол, туя, чўчқа шимол буғулари ҳамда бошқа ёввойи кавшовчи ҳайвонларнинг сурункали оқимда кечувчи трематодоз касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг ошқазон ости безида ва баъзан жигарида *Eurytrema pancreaticum*-нинг паразитлик қилиши туфайли қўзғатилиб, касаллик ҳолсизланиш, ҳазм орган фаолиятининг издан чиқиши, ич ўтиш, тананинг турли қисмларида шишларни ҳосил бўлиши, ўсиш-ривожланишдан орқада қолиш, маҳсулдорликни пасайиши, кучли орикланиш ва айрим пайтларда қахексиянинг ривожланиши оқибатида ҳайвоннинг нобуд бўлиши билан характерланади.

**Қўзғатувчиси-систематикаси ва анатомо-морфологияси.** *Eurytrema pancreaticum* систематика бўйича қўйидаги жойлашган: *Plathelminthes* типи, *Trematoda* синфи, *Digenia* кенжа синфи, *Fasciolata* туркуми, *Dicrocoeliidae* оиласи ва *Eurytrema* авлодига киради. ***Eurytrema pancreaticum*** - тўқ-қизил тусда бўлиб, узунлиги 8-16 мм, эса эса 5,5-8,5 мм га teng, Катта ва кучли ривожланган оғиз ва қорин сўргичлари бўртиб чиқкан. Уруғдонлари овалсимон шаклда бўлиб, қорин сўргичининг икки ёнида сисметрик равища жойлашган, тухумдони шарсимон шаклда бўлиб, қорин сўргичининг орқасида жойлашган бўлиб, уруғдонларга нисбатан бироз кичик ҳажмда, бачадони дараҳтсимон шохланган бўлиб, тананинг пастки қисминин тўлдириб туради., сариқлик тана эса тананинг икки томонида, уруғдонларининг остида жойлашган.

**Қўзғатувчининг биологияси.** Паразит биогельминт, оралиқ хўжайнини *Eulota lantzi* турига мансуб бўлган қуруқлиқда яшовчи моллюскалар бўлса, қўшимча хўжайнин вазифасини эса *Conocephalus* ва *Oecanthus* авлодларига мансуб бўлган чигирткалар бажаради.

Тезак билан ташқи муҳитга тушган эуритрема тухумларини оралиқ хўжайнлари ҳисобланган қуруқлиқдаги моллюскалар алиментар равища исъемол қилганларида, уларнинг ошқазон ва ичакларида тухумдан биринчи босқичдаги личинка – миракцидий чиқиб, моллюсканинг жигарига кириб олади ва ривожланади. Сўнгра эса партеногенетик йўл билан кўпайиб дастлаб оналик спороцистага айланади. Бир ой ўтгач эса унда қизлик спороцисталар ҳосил бўлиб, оналик танани тарк этади. Бир йилга яқин муддат ўтгач нда церкарий шаклланади Церкарийлари билан тўлган етилган спороцисталар моллюскаларнинг жигаридан малтий бўшлиғи томон ҳаракатланиб кириб олади, сўнгра эса ташқи муҳит тупроқ ва ўсимликларга тушади. Ташқи муҳитга тушган церкарийларни чигирткалар алиментар равища исъемол қилганларида, уларнинг организмида 2-3 ойдан сўнг метацеркарийлар ҳосил бўлади.

Асосий хўжайнлари ўтлар билан биргаликда заарланган чигирткаларни исъемол қилганларида касалликка чалинади. Эуритремаларнинг жинсий вояга этиш муддати 2-3 ойни ташкил қилса, паразитлик қилиш даври эса ўрта ҳисобда 10-12 ойга тенгdir

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Касалликка диагноз комплекс усулларда қўйилади: эпизоотологик маълумотлар инобатга олинган ҳолда касалликнинг клиник белгиларига қараб ҳамда аниқ диагноз лаборатория шароитида гумон қилинган ҳайвонларнинг тезак намунаси гельминтоовоскопия (кетма-кет ювиш усули ёки Дарлинг усули) усуллари билан текширилиб, паразитнинг тухумларини топиш асосида қўйилади. Эуритрема тухумлари овалсимон шаклда, қорамтир-қўнғир тусда бўлиб, узунлиги 0,044-0,048 мм, эни – 0,032-0,036 мм га teng. Тухумнинг бир томонида тутмачасимон қапқоқчаси, иккинчи томонида эса тутмачасимон ўсимтаси мавжуд.

Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбуран сўйилганида патологоанатомик ўзгаришларига қараб ҳамда қўзғатувчини ўзини топиш асосида қўйилади.

Эуритрематоз касаллигини дикроцелиоз, панкреатит, гепатит, лептоспироз касалликларидан фарқ қила олиш керак.

**Даволаш олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирлари.** Даволаш усули ишлаб чиқилмаган. Бироқ, фасциолёз, дикроцелиоз касалликларига ишлатиладиган антгельминтикларни ишлатиб кўришни тавсия этамиз.

**Касалликни олдини олиш мақсадида қуидаги тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш талаб этилади:**

- Йилнинг ҳар чорагида режа асосида гельминтсизлантириш;
- Оралиқ ва қўшимча хўжайинларига қарши курашиш;
- Ҳайвон тезакларини биотермик усулда заарсизлантириб бориш;
- Ҳайвонларни рацион асосида тўйимли озуқалар билан озиқлантириб бориш;

#### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Dicrocoeliidae оиласига мансуб trematodalарнинг морфологик хусусияти нимада?
2. Dicrocoelium lanceatum-нинг биологик хусусиятини таърифланг?
3. Дикроцелиоз фасциолёз касаллигидан қандай фарқланади?
4. Дикроцелиоз Республикамизнинг қайси худудларида кўпроқ учрайди?
5. Дикроцелиоз касаллигини олдини олиш борасидаги тадбирлар нималардан иборат?
6. Эуритремаларнинг биологик хусусиятларини таърифланг?
7. Эуритрематозда клиник белгилар неча босқичда кечади?
8. Эуритрематозда асосий патанатомик ўзгаришлар қайси органда кузатилади?
9. Эуритрематоз касаллигини қайси касалликлардан фарқ қила олиш керак?
10. Эуритрематозда аниқ диагноз қайси усулда қўйилади?
11. Эуритрематоз касаллигини даволаш ва олдини олиш тадбирларини баён этинг?

**Уйга вазифа:** Трематод ва третматодозлар. Фасциолез касаллигини ўқиб келиш

## **2-амалий машғулот. Цистицеркозни кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш.**

**Дарснинг мақсади.** Талабаларга қорамол ва чўчқа цистицеркози касалликлари қўзғатувчиларини систематикада жойлашган ўрнини, уларнинг анатомо-морфологик тузилиши ва биологик ривожланишини ўргатишдан иборат. Шунингдек, касалликларни аниқлаш усуллари, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирларини ўргатилади.

**Жихозлар, асбоб-ускуналар ва заарланган органлар.** Қўзғатувчиларни систематикаси, анатомо-морфологик тузилиши ва биологик ривожланиши акс эттирилган жадваллар, текшириш учун асбоблар, эритмалар, реактивлар, заарланган органлар.

**Дарснинг ўтиш услуби.** Қорамол ва чўчқа цистицеркоз (финноз) касалликларига таъриф берилиб, ушбу касаллик қўзғатувчиларни анатомо-морфологик тузилиши, биологик ривожланиши ва бир-биридан фарқи тушунтирилади. Касалликларга диагноз қўйиш усуллари, ўхшаш касалликлардан фарқлари, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари баён этилади ва қўрсатилади.

**Қорамолларнинг цистицеркози (финнози)** – бу субклиник кўринишда кечувчи антропозооноз, цестодоз касаллиги бўлиб, уни *Taeniarhynchus saginatus* нинг личинкали шакли *Cysticercus bovis* –ни ҳайвонларнинг кўндаланг-тарғил мускулларида, юрагида, тилида, диафрагмасида паразитлик қилиши туфайли қўзғатилиб, касаллик организмнинг аллергик жавоб қайтарилиши билан характерланади.

**Қўзғатувчининг систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси – *Taeniarhynchus saginatus* систематика бўйича қўйидагича жойлашган: *Plathelminthes* типига, *Cestoda* синфиға, *Cyclophyllidea* туркумига, *Taeniata* кенжা туркумига, *Taeniidae* оиласига, *Taeniarhynchus* авлодига киради. *Taeniarhynchus saginatus* – лентали шаклдаги цестод, *Cysticercus bovis* – унинг личинкали шакли.

**Қўзғатувчининг анатомо - морфологияси.** *Cysticercus bovis* – бу юмалоқ-овалсимон шаклдаги кўкимтир-оқиши тусдаги пухакчали личинка бўлиб, ичи тиниқ суюқлик билан бўлган. Цистицеркларнинг узунлиги 5-15 мм, эни эса 3-8 мм (7,5-9x5,5 мм). Ички герминатив қобиғида битта куролланмаган сколекс ичига қайрилган ҳолатда жойлашган. Сколекснинг диаметри 1,5-2 мм бўлиб, 4-та мускулли сўрғич билан куролланган.

***Taeniarhynchus saginatus*** - оқ-сарғич тусдаги цестод бўлиб, узунлиги 10 м ва ундан ҳам узун, эни эса 12-14 мм. Паразитнинг танаси дифференциал аҳамиятга эга бўлган уч қисмдан иборат:

1. Сколекс (бошчаси) –йирик, 1,5-2 мм диаметри, куролланмаган, хартумчасиrudimentлашган, 4-та мускулли сўрғичи бўлиб, диаметри 0,8 мм га тенг.

2. Гермафродит бўғин. Унинг шакли квадратсимон, жинсий тешик бўғиннинг икки ён томонидан нотўғри алмашиб келади, тухумдони икки бўлмали, бачадони ўзининг асосий ўқидан икки ён томонга 18-32 –та шохланган, уруғдонлари бўғин бўйлаб ёйилиб жойлашган.

3. Етилган бўғин – узунлиги 16-20 мм. бўлиб, унда фақат бачадон қолган ва паразит тухумлари билан тўлган. Тухумларнинг икки қутбида узун филаменти бор. Тухумларнинг ташқи қобиги жуда ҳам юпқа бўлиб, рангиз ва тез ёрилувчан. Паразит онкосфераси овалсимон шаклда, узунлиги 0,03-0,04 мм, эни эса 0,02-0,03 мм тенг бўлиб, икки контурли, кўндалангига чизилган, ичидаги 6-та хитинли эмбрионлари мавжуд. Онкосферанинг ранги – сариқ-қўнгир тусда. Битта етилган бўғинда 145-175 мингтагача тухумлар бўлиши мумкин.

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** Паразит биогельминт, асосий хўжайини – одамлар, оралиқ хўжайини эса қорамол, кўтослар зебулар, шимол буғулари. Паразитнинг жинсий вояга етиш муддати ўртacha 3 ой, паразитлик қилиш муддати эса ўртacha 10 йил. Цистицеркларни инвазион босқичга етиш муддати 4-4,5 ой.(Қўзғатувчининг биологик ривожланиши лекцияда тўлиқ баён этилган).

**Чўчқа цистицеркози (финнози)** – субклиник кўришинда кечувчи, антропозооноз, цестодоз касаллиги бўлиб, уни *Taenia solium* цестодининг личинкали шакли *Cysticercus cellulosae* –нинг ҳайвонларнинг кўндалангтарғил мускулларида, тилида, юрагида, бош миясида, кўзида, ўпка ва жигарига паразитлик қилиши натижасида қўзғатилиб, касаллик қўзғатувчининг жойлашган жойига қараб клиник намоён бўлиши билан характерланади.

**Систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси систематика бўйича куйидагича жойлашган: *Plathelminthes* типига, *Cestoda* синфига, *Cyclophyllidea* туркумига, *Taeniata* кенжага туркумига, *Taeniiidae* оиласига, *Taenia* авлодига киради. *Taenia solium* – паразитнинг жинсий вояга етган шакли, *Cysticercus cellulosae* – унинг личинкали шакли.

**Қўзғатувчининг тузилиши.** *Cysticercus cellulosae* - бу эллипссимон шаклдаги пуфакча бўлиб, ичи тиниқ суюқлик билан тўлган, пуфакчанинг узунлиги 6-20 мм, эни 5-10 мм га тенг, девори икки қатламдан иборат, ички герминатиф қобиқка битта, икки қатор бўлиб жойлашган, бири узун, бири калта, жами 22-32 та хитинли илмоқчалар билан қуролланган сколекси ичига қайрилган ҳолатда жойлашган.

***Taenia soium*** – стробиласининг узунлиги 3 м гача. Паразит танасида дифференциал аҳамиятга эга бўлган 3 қисм мавжуд:

1. Сколекси (бошчаси) – юмалоқ шаклда бўлиб, тўртта мускулли сўргичи яхши ривожланган, уларнинг устига яхши ривожланган хартумчasi бўлиб, у икки қатор, бири калта, бири узун, жами 22-32 та хитинли илмоқчалар билан қуролланган.

2. Гермафродит бўғин – тўртбурчаксимон шаклда, тухумдони уч бўлмали, бачадони ўзининг асосий ўқидан икки ён томонга 7-12 та шохланган бўлиб, улар ҳам ўз навбатида майдага шохчаларга бўлинган, жинсий тешик бўғиннинг икки ён томонидан нотўғри алмасиб очилади.

3. Етилган бўғин – унинг узунлиги 10-12 мм, эни 5-6 мм, унда фақат бачадон қолган бўлиб, у тухумлар билан тўлган, битта етилган бўғинда 50 мингтагача тухум бўлади.

Паразит онкосфераси юмалоқ-овалсимон, оч-саргич тусда, икки контурли, кўндалангига чизилган, узунлиги 0,031-0,036 мм, эни 0,02-0,03 мм га тенг.

**Қўзгатувчининг ривожланиши.** Паразит биогельминт. Асосий хўжайини – одам, оралиқ хўжайнинлари – чўчқа, ёввойи чўчқа, айик, туя, ит, мушук, қуён ҳамда одам. *Taenia solium*-нинг вояга етиш даври – 2-3 ой, паразитлик қилиш даври бир неча йил, цистицеркларни инвазион босқичга етиш муддати 2-4 ой, яшаш муддати 3-6 йил (Тўлиқ биологик ривожланиши лекцияда келтирилган ва баён қилинган).

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Корамол ва чўчқа цистицеркозига диагноз комплекс усулда: эпизоотологик маълумотлар инобатга олинган ҳолда, касалликнинг клиник белгиларига қараб (характерли эмас, субклиник кечади), иммунобиологик реакциялар натижасига қараб (латексагглютинация – у ҳам унчалик яхши самара бермайди) ва ҳавон ўлгандан сўнг, ёки мажбуран сўйилганида, ё режа асосида гўшт учун сўйилганда цистицеркларни топиш асосида қўйилади.

Цистицеркоз касаллигини трихинеллез, саркоцистоз касалликларидан фарқ қила олишимиз керак.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора – тадбирлари.** Корамол ва чўчқа цистицеркозини даволаш ҳанўзгача ишлаб чиқилмаган. Бироқ, айрим олимлар томонидан айрим дориларни синааб кўриб яхши самара олганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Алфёрова М.В. томонидан нилверм препарати синааб кўрилган (25 мг/ кг дозада икки маротаба бир ҳафта оралиғида), Бессонов ва бошқалар (1980) панакур (фенбендазолнинг 22,2%-ли гранулятли шакли) 0,05 г/кг дозада, дронцит 0,01 г/кг дозада икки кун давомида қўллаб яхши натижа олганлар, бироқ бу муаллифлар ушбу дориларни амалиётга тавсия этмаяптилар.

Тениаринхоз ва тениозни даволашда фенасал – 3-5 г бир кишига, мебендазол, феналидон, йомезон ҳам худди фенасал дозасига ўхшаш. Шунингдек, медамин, гельминтокс, альбендазол препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Агарда, ушбу препаратлар топилмаса, унда ошқавоқнинг тухумини (250-300 г) гўшт майдалағичдан ўтказиб, бироз сув қўшиб, қайнатиб ичиш тавсия этилади (Ибн Сино усули).

Касалликни олдини олиш ва қарши курашишда ветеринария ва тиббиёт соҳа мутахассислари биргалиқда, ҳамкорликда комплекс тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади.

Ветеринария мутахъассислари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар:

- Барча сўйилаётган ёки мажбуран сўйилган қорамол ва чўчқаларнинг гўшт ва гўшт маҳсулотлари вет.сан.экспертизадан ўтказилиши шарт;
- Ҳайвонларни факат маҳсус сўйиш майдончаларида, сўйиш пункларида ветеринария мутахассислари назорати остида сўйиш;
- Цистицерклар билан заарланган гавдаларни заарсизлантириш;

- Цистицерк билан заарланган ҳайвонлар аниқланса, касаллик манбайнин аниқлаш мақсадида ҳудудий тиббиёт мутахассислариға хабар бериш;
- Чүчқаларнинг рационига пиширилмаган гўшт ма\сулотларни киритмаслик;
- Ҳайвонларни сақлаш ва озиқлантириш қоидалариға қатъиян риоя қилиш;

Тиббиёт мутахассислари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар қуидагилардан иборат:

- Одамларни (айниқса қорамолчилик ва чўчқачилик фермаларида ишловчиларни) режа асосида тениаринхоз ва тениоз касалларига қарши текширувдан ўтказиши. Агарда, касаллик аниқланса, уларни тезлик билан госпитализация қилиш ва даволаш;
- Ёпиқ типдаги ҳожатхоналарнинг мавжудлиги ва уларнинг санитария ҳолатига риоя қилишни текшириб бориш;
- Сув манбаларни режа асосида муентазам равишида паразит онкосфералариға қарши заарсизлантириб бориш;
- Шахсий гигиенага риоя қилиш;
- Чорвадорлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларни муентазам амалга ошириш.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Қорамол ва чўчқа цистицеркоз касалларини бир-биридан фарқи нимада?
2. Қорамол ва чўчқа цистицеркларнинг тузилишидаги фарқ нималардан иборат?
3. *Taeniarhynchus saginatus* ва *Taenia solium*-ларнинг бир-биридан фарқи нимада? Биологик жиҳатдан улар қандай фарқ қиласди.
4. Паразит тухумлари билан онкосферасини фарқи нимада?
5. Нима учун чўчқа цистицеркози қорамол цистицеркозига нисбатан анча хавфлидир?
6. Нима сабабдан чўчқа цистицеркозида одамлар ҳам асосий ва ҳам оралиқ хўжайин вазифасини бажариши мумкин, изоҳ беринг?
7. Қорамол ва чўчқа цистицеркоз касаллигига гўшт ва гўшт маҳсулотларни вет.сан.экспертизасини айтинг?
8. Касалликни олдини олишда ветеринария мутахассислари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар нималардан иборат?
9. Тиббиёт мутахассислари томонидан амалга ошириладиган тодбирлар нималардан иборат?
10. Касалликни даволашдаги ветеринария мутахассислари ва олимлари олдида турган вазифалар нималардан иборат?

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi". O'quv qo'llanma, Toshkent, 2019 yil

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

## **IV. Интернет сайtlар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
2. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси

## **З-амалий машғулот. Эхинококкоз ва ценуроз касалликларининг кечиш жараёнларини ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан фойдаланиш.**

**Дарснинг мақсади.** Талабаларга эхинококкоз ва ценуроз касалликларни аниқлаш усуллари, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирлари билан таништиришдан иборат.

**Жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва заарланган органлар.** Эхинококкоз ва ценуроз касаллик қўзғатувчиларини морфологик тузилиши, биологик ривожланиши, заарланган органлар, улардан ажратиб олинган пуфаксимон личинкалар, жадваллар, слайдалар, макро- ва микропрепаратлар, лупа ва микроскоп, буюм ойначалари, реактивлар, эритмалар, аллергенлар, вакцина, антгельминтиклар намуналари, рецепtlар намуналари ёзилган жадваллар

**Дарснинг ўтиш услуби.** Талабаларга эхинококкоз ва ценуроз касалликларнинг таърифи берилиб, қўзғатувчиларнинг систематикада тутган ўрни, морфологик тузилиши ва биологик ривожланишини тушунтирилади, ушбу касалликларни аниқлаш усуллари, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари ўргатилади.

**Эхинококкоз** – бу субклиник кўринишда кечувчи антропозооноз, цестодоз касаллиги бўлиб, уни *Echinococcus granulosus* цестодасининг личинкали шакли *Echinococcus granulosus larvae* –ни ҳайвонларнинг ички паренхиматоз органларида (кўпинча жигар ва ўпкасида) паразитлик қилиши туфайли қўзғатилиб, касаллик эхинококк пуфакларнинг жойлашган жойига қараб клиник намоён бўлиши билан характерланади.

**Қўзғатувчининг систематикаси.** Эхинококкоз қўзғатувчисининг систематикадаги ўрни қуйидагича: *Plathelminthes* типи, *Cestoda* синфи, *Cyclophyllidea* туркуми, *Taeniata* кенжа туркуми, *Taenidae* оиласи, *Echinococcus* авлоди, *Echinococcus granulosus* – жинсий вояга етган шакли, *Echinococcus granulosus larvae* – унинг личинкали шакли.

**Қўзғатувчининг анатомо - морфологияси. *echinococcus granulosus larvae* (*e.unilocularis*)** – бу бир камерали пуфак бўлиб, ичи суюқлик билан тўлган. Эхинококк пуфагининг катталиги нўхат дони катталигидан то янги туғилган ёш бола бошидек катталикда бўлади.

Эхинококк суюқлиги оралиқ хўжайинларининг қон маҳсулоти бўлиб, сколекслар учун ҳимоя ва озуқа муҳити вазифасини бажаради. Пуфак девори икки қатламдан иборат, ташқи –кутикуляр ва ички герминатив қобиғ. Кутикуляр қобиқ оқ-сут рангидан, эски пуфакларда эса у бироз хиракашиб сарғич тусга киради. Ички герминатив қобиқ – бу мурғак ёки пуштли қобиқ деб юритилади, у жуда ҳам юпқа ва нозик бўлиб, унда паразитнинг пуштчалари (протосколекслари ёки сколекслари) ичига қайрилиб ёпишган ҳолатда, ёки пуфакнинг тагида оқ чўкмани ҳосил қилган бўлиши мумкин.Ички герминатив қобиқ экзо- ва эндоген йўллар орқали куртакланиб иккиламчи (қизлик) ва учламчи (неваралик) пуфакларни ҳосил қилиш қобилиятига эга, уларнинг ҳам ичи суюқлик билан тўлган бўлиб, паразит сколекслари бўлиши мумкин.

Эхинококк пуфаклари ташқи томондан бириктирувчи тўқима билан қопланган, қалин (зич) ва юпқа бўлиб, оч-кўкимтири туслади, кутикуляр қобиқни ташқаридан ўраб олади, улар ўртасида тор бўшлиқ мавжуд.

Оралиқ хўжайинлари организмида эхинококк пуфакларнинг турли хил морфологик тузилишга эга бўлган шаклларини учратиш мумкин:

**Echinococcus veterinorum** – бундай пуфакларнинг ичи тиниқ суюқлик билан тўлган, ички герминатив қобиқда паразит сколекслари ёпишиб турган бўлиши мумкин ёки пулакнинг остига оқ чўкма ҳосил қилган бўлиши мумкин, бироқ ички герминатив қобиқ экзо ва эндоген йўллар орқали куртакланиш қобилиятига эга эмас, яъни пулакнинг ичида иккиламчи (қизлик) ва учламчи (невараги) пулакчалар бўлмайди.

**Echinococcus hominis** - бундай пулакларнинг ичи ҳам суюқлик билан тўлган, ички герминатив қобигида паразит сколекслари мавжуд, лекин ички герминатив қобиқ экзо- ва эндоген йўллар орқали куртакланиб иккиламчи (қизлик) ва учламчи (невараги) пулакларни ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлиб, ичи тиниқ суюқлик билан тўлган ва ички герминатив қобигида паразит сколекслари бўлади.

**Echinococcus acervulosysticus** – бундай пулакларнинг ичи суюқлик билан тўлган бўлиб, ички герминатив қобигида паразит сколекслари бўлмайди, яъни улар тоза (стериль) пулаклар ҳисобланади, лекин ички герминатив қобиқ куртакланиб иккиламчи ва учламчи пулакларни ҳосил қилиши мумкин, бироқ уларда ҳам паразит сколекслари ҳосил бўлмайди, қайсиким бундай пулаклар эпидемиологик ва эпизоотологик аҳамиятга эга эмас.

**Echinococcus granulosus** - жуда ҳам майда цестода бўлиб, узунлиги 0,5-0,9 см гача бўлиб, 3-4 та бўғинлардан иборат, шулардан 1-2-чи бўғинлари жинсиз, учинчи бўғин – гермафрорит ва охирги бўғини етилган бўғин ҳисобланаб, паразит тухумлари билан тўлган бўлади, Етилган бўғиннинг узунлиги қолган тана узунлигидан катта бўлади, Паразит танаси дифференциал аҳамиятга эга бўлган уч қисмдан иборат:

**Сколекс (бошчаси)** – юмалоқ-овалсимон шаклда бўлиб, тўртта мускулли сўргичи бор, уларнинг устида паразитнинг хартумчаси жойлашган бўлиб, икки қатор, бири узун ва бири калта, жами 36-40 та хитинли илмоқчалар билан қуролланган. Биринчи қатордаги илмоқчаларнинг узунлиги 0,040-0,045 мм, иккинчи қатордагилари – 0,030-0,039 мм га teng.

**Гермафрорит бўғин** – унинг шакли тўртбурчаксимон, жинсий тешик бўғиннинг охирги қисмининг икки ён томонидан нотўғри алмасиб келади, бачадони халтасимон шаклда бўлиб, ён томонга шохланган бўлади.

**Етилган бўғин** – унда фақат бачадон қолган бўлиб, ичи паразит тухумлари билан тўлган. Битта етилган бўғинда 800 тагача паразит тухумлари бор. Паразит онкосфераси (пўстлоғи йўқ тухум) юмалоқ шаклда бўлиб, икки контурли (қобиқли), кўндалангига чизилган, диаметри 0,030-0,036 мм га teng бўлиб, оч-сарғич туслади.

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** Паразит биогельминт, асосий хўжайнинлари ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар, оралиқ хўжайнинлари эса қорамол, қўй, эчки, от, эшак, тuya, шимол буғулари, чўчқа ва ёввойи чўчқа ва бир қанча ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар, ҳамда одамлар. Паразитнинг жинсий вояга етиш муддати оралиқ хўжайнинларнинг турига, йилнинг фаслига, асосий хўжайнинларнинг озиқланиши ва сақлаш шароитларига боғлиқ ҳолда 31-118 кунга teng. Паразитлик қилиш муддати эса 730 кундан (кузатув муддати) ҳам кўпроқ. Эхинококк пуфакларни инвазион босқичга етиш муддати ҳам оралиқ хўжайнин турларига боғлиқ ҳолда 12-24 ойга teng. Паразитнинг тўлиқ биологик ривожланиши лекция материалларида тўлиқ ва батафсил баён этилган.

**Диагноз ва дифференциал диагноз.** Касалликка диагноз комплекс усулда қўйилади. Бунинг учун эпизоотологик маълумотлар, касалликнинг клиник белгилари инобатга олинади ва аниқ диагноз лаборатория шароитида иммунобиологик реакциялар қўйиб, уларнинг натижаларига асосланиб қўйилади. Иммунобиологик реакциялардан аллергик реакция ёки Казони реакцияси – энг самарали ва тез бажариладиган усуллардан биридир.

**Казони реакцияси қўйидагича бажарилади:** Реакцияни бажариш учун қуруқ аллергенлардан (эхинококкли аллерген) фойдаланилади. Даствлаб қуруқ аллергенни физиологик эритмада 1:750 нисбатда суюлтирилайди, сўнгра 0,2 мл қўй ва эчкилар учун, 0,5-0,75 мл қорамоллар учун олиниб кўзнинг юқори қовоғининг ёки дум ости тери бурмасининг орасига юборилади ва 2-3 соат ўтгач реакция натижаси ўқилади. Кўйларда: агарда, терининг қалинлиги 2 см гача бўлса, реакция манфий, яъни ҳайвон соғлом; 2,1 смдан 2,4 см гача бўлса, реакция гумон, қайта тақрорлаш керак; 2,5 см дан юқори бўлса, реакция мусбат, яъни ҳайвон касал ҳисобланади.

Қорамолларда: агарда, терининг қалинлиги 3,5 см гача бўлса – реакция манфий, яъни ҳайвон соғлом, 3,6 см дан 4,5 см гача бўлса – реакция гумон ва 4,6 см дан юқори бўлса – реакция мусбат, яъни ҳайвон касал ҳисобланади.

Аллергик усулни қўллашда, агарда қуруқ аллерген бўлмаса, янги эхинококк пуфаги суюқлигидан (яхшироғи қўйлардан олинган эхинококк пуфагидан) ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, БГАР, Компллемент боғлаш реакцияси, РПГА, РИД, РДИД, рентгеноскопия, ультратовуш, томография усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбуран сўйилгандан кейин патологоанатомик ўзгаришларга ва эхинококк пуфакларини топиш асосида қўйилади.

Эхинококкоз касаллигини ценуроз, туберкулёз, ўсма касалликларидан фарқ қила олиш керак.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши қурашиш тадбирлари** ценуроз касаллигига ўхшашибўлганлиги туфайли ценуроз касаллигини баён этишида батафсил ёритилади.

**Ценуроз (айланчик, тентак, жинни)** – бу ҳам антропозоонозли цестодоз касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг бош миясида, баъзан орқа миясида *Multiceps multiceps* цестодасининг личинкали шакли *Coenurus cerebralis* ни паразитлик қилиши туфайли қўзғатилиб, касаллик айланма ҳаракат, ҳаракат координациясининг бузилиши, бир томонлама кўр бўлиб қолиши ва нобуд бўлиши билан характерланади.

**Систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси систематика бўйича қуидагича жойлашган:: *Plathelminthes* типи, *Cestoda* синфи, *Cyclophyllidea* туркуми, *Taeniata* кенжа туркуми, *Taeniidae* оиласи ва *Multiceps* авлодига кириб, тури: *Multiceps multiceps* – қўзғатувчининг лентали шакли ва *Coenurus cerebralis* – унинг личинкали шаклидир.

**Қўзғатувчининг анатомо – морфологияси. *Coenurus cerebralis*** - бу юмалоқ ёки овалсимон шаклдаги пуфакча бўлиб, диаметри 10 см гача, ичи тиниқ суюқлик билан тўлган. Пуфакнинг девори икки қатламли, ташқи кутикуляр, ички герминатив қобиқ. Ички герминатив қобиққа бир неча паразит сколекслари гурӯхга бўлинган ҳолатта жойлашган. Сколекси овалсимон бўлиб, ичига қайрилган, тўртта мускулли сўргичи бор, хартуми яхши ривожланган бўлиб, унда икки қатор бўлиб жойлашган, бири узун, бири калта жами 22-32 та хитинли илмоқчалари мавжуд.

***Multiceps multiceps*** – оқ-сут рангидаги цестода бўлиб, узунлиги 40 см дан 1 м гача, эни эса 5 ммгача. Паразит танаси 3 та дифференциал аҳамиятга эга бўлган қисмлардан иборат:

1. Сколекси (бошчаси) – юмалоқ-овалсимон шаклда бўлиб, тўртта мускулли сўргичи мавжуд, унинг устида яхши ривожланган хартумчasi бўлиб, икки қатор бўлиб жойлашган, бири узун, бири калта, жами 22-32 та хитинли илмоқчалари бор, биринчи қатордаги илмоқчаларнинг узунлиги – 0,150-0,170 мм, иккинчи қатордаги илмоқчаларнинг узунлиги эса 0,090-0,130 мм га teng.

2. Гермафродит бўғин – шакли тўртбурчаксимон, жинсий тешик бўғиннинг икки ён томонидан нотўғри алмашиб келади, уруғдонлари 200 тагача, тухумдони икки бўлмали бўлиб, овалсимон шаклда, сариқлик танаси учбурчак шаклида бўлиб, бўғиннинг пастки қисмida жойлашган, бачадони узунинг асосий ўқидан икки ён томонга 9-26 та шохларга бўлиниб, бўғиннинг ёнига яқинлашиб, яна майда шохчаларга бўлинган.

3. Етилган бўғин – унда фақат бачадон қолган бўлиб, паразит тухумлари билан тўлган, Битта етилган бўғинда 50 мингтагача тухум бўлади, Онкосфераси икки контурли, кўндалангига чизилган оч- сарғич тусда, диаметри 0,03-0,04 мм га teng.

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** Паразит биогельминт, асосий хўжайинлари ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар (тулки паразит учун факультатив хўжайин вазифасини бажаради), оралиқ хўжайини эса қўй, эчки, қорамол, баъзан эса от, чўчқа ва бошқа ҳайвонлар ҳамда одам. *Multiceps multiceps*-нинг препатент ривожланиш мuddати 2-3 ой, паразитлик қилиш даври 730 кун (кузатув муддати) ва ундан ҳам кўп. Ценурус пуфакларнинг инвазион босқичга этиш муддати 2,5-3 ой.

**Диагноз ва дифференциаль диагноз.** Касалликка диагноз комплекс усулда қўйилади:

1. Эпизоотологик маълумотларга қараб;
2. Касалликнинг клиник белгиларига қараб (касалликнинг клиник белгилари касаллик учун хос бўлган белгилар ҳисобланади, чунки бошқа касалликларда бундай ўзига хос клиник белгилар учрамайди);
3. Офтальмоскопия усули.
4. Аллергик усул. Бу усулни КазВИТИ олимлари (Г.Н.Ронжина рахбарлигига) томонидан ишлаб чиқилган. Усулни бажарилиши қуйидагича: Дастрлаб қуруқ аллерген физиологик эритмага 1:750 нисбатта эритилади, сўнгра 0,2 мл қўй ва эчкилар учун, 0,5-0,75 мл қорамоллар учун олиниб, қўзнинг юқори қовоғининг териси орасига юборилади ва 2-3 соатдан сўнг реакция натижаси ўқилади. Агарда, қўй ва эчкиларда аллерген юборилган жойдаги терининг қалинлиги 2 см гача бўлса – реакция манфий, яъни ҳайвон соғлом, 2,1 смдан 2,5 см гача бўлса – реакция гумон (ре-акцияни қайта тақрорлаш шарт), у 2,6 см дан юқори бўлса – реакция мусбат, яъни ҳайвон касал ҳисобланади. Ушбу усул билан ҳайвонларни ценурус билан заарланишини 12-чи кунидан бошлаб аниқлаш мумкин, бироқ агарда ҳайвонлар ингичка бўйинли цистицеркоз ва эхинококкоз касалликлари қўзғатувчилари билан заарланган бўлса ҳам реакция ижобий натижада бериши мумкин.

5. Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбурий сўйилганида патанатомик ўзгаришларига ва ценурус пуфакларни топиш асосида қўйилади.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш чора –тадбирлари.**  
Даволаш усули ишлаб чиқилмаган, фақат жаррохлик усул билан, лекин у ҳам ҳамма вақт яхши самара бермайди (агарда, ценур пуфаклари бош миянинг теппасида жойлашган бўлса, уни жаррохлик усул ёрдамида олиб ташлаш имконияти мавжуд, лекин ценур пуфаклари бош миянинг ичида ёки атрофларида бўлса, уларни олиб ташлашнинг иложи йўқ.).

**1991 йилда академик Аминжонов М.А.** ва бошқалар томонидан ценуроз касаллигини олдини олишда вакцина яратилди ва у ишлаб чиқаришда кенг миқъёсда қўлланилиб келинмоқда. Вакцинани дозаси ва қўллаш усули қуйидагича: вакцина қўзиларга 1,5-2 ойликдан бошлаб қўлланилади (агарда кечроқ эмланса, вакцинанинг аниқ самарадорлигини аниқлаш мушкил бўлиб қолади, чунки ҳайвонлар касаллик қўзғатувчилари билан заарланган бўлса, унинг фойдаси йўқ, барибир касалликка чалинади). Вакцина 1 мл дан мускул орасига 2 маротаба 14 кун оралиғида қўлланилади, организмда ҳосил бўлган иммунитет 14 ойгача сақланиб қолади. Самарадорлиги 98-100%- ни ташкил қиласди.

**Эхинококкоз, ценурозга қарши курашиш чора-тадбирлари.**

- кераксиз, дайди итларни йўқотиш;
- керакли, кўриқловчи, хизматкор итларга паспорт юргизиш;
- қўйчилик ва эчкичиликга мослашган хўжаликлардаги сурувларда 1-2 бошдан итларни сақлаш (иложи борича эркак итларни);
- итларни сурувма-сурув юришини қатъян ман қилиш;

- қорамолчилик, чўчқачилик хўжаликларида умуман итларни сақламаслиқ;
- итларни ем-хашак ва емхоналарга йўлатмаслиқ;
- ценуроз касаллигига чалинган ҳайвонларни аниқлаб, уларни маҳсус сўйиш пункларида ветеринария мутахассислари назоратида сўйиш;
- заарланган ички орган ва каллаларни заарсизлантирмасдан туриб итларга едирмаслиқ,

- итларни режа асосида муңтазам равишида гельминтсизлантириб бориш. Бизда, иқлим шароитимизни инобатга олинган ҳолда итларни қуидаги муддатларда гельминтсизлантириш мақсадга мувофиқдир: апрель ойидан бошлаб то октябрь ойигача ҳар ойда бир маротаба, октябрь ойидан бошлаб то апрель ойигача ҳар 1,5 ой да бир маротаба гельминтсизлантириш. Гельминтсизлантириш жараёни маҳсус майдончаларда ўтказилиб, барча қоидаларга риоя этилиши шарт.

Итларни гельминтсизлантириш учун қуидаги антгельминтиклардан фойдаланиш мумкин:

- ареколин гидробромид 5 мг/кг тана оғирлигига оғиз орқали, 12 соатлик очликдан кейин берилади;
- фенасал 250-300 мг /кг;
- феналидон 250-300 мг/кг;
- дронцит (празиквантель) -5 мг/кг;
- азинокс 5 мг/кг;
- Cestel – 3-5 мг/кг ;
- Цестан 50 мг/кг;
- Новокаин (Лидокаин) 2%-ли 2 мл /10 кг тана оғирлигига қорин бўшлиғига инъекция қилинади;
- филиксан, бунамидин гидрохлорид, оксид, лопатол, мебендазол, битионол, гельминтокс, йомезан ва бошқалар тавсия этилган дозада қўлланилади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Эхинококкоз касаллигига таъриф беринг?
2. Эхинококк бошқа цестод личинкаларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қиласди?
3. Эхинококкларни морфологик тузилишига изоҳ беринг?
4. Эхинооккларни биологик ривожланишини търифлаб беринг?
5. Ценур пуфагининг характеристикаси?
6. Ценурозга қайси ёшдаги ҳайвонлар чалинади ва у нимага боғлиқ?
7. Ценуроз касаллигига қарши ишлатиладиган вакцинанинг дозаси ва қўллаш усули?
8. Эхинококкоз, ценуроз касаллигига қарши курашишда олиб бориладиган тадбирлар нималардан иборат?
9. Итларни гельминтсизлантиришда ишлатиладиган антгельминтиклар ва уларнинг қўллаш усули?

10. Бизнинг шароитда энг мақбул гельминтсизлантириш муддатларини айтинг ва изоҳлаб беринг?
11. Ёзги гельминтсизлантириш усулининг афзаликлари нималардан иборат?

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va arachnoentomologiyasi". O'quv qo'llanma, Toshkent, 2019 yil

### **Хорижий адабиётлар**

1. Denis Jacobs, mark Fox, Lynda Gibbons, Carlos hermosilla. Principles of Veterinary Parasitology. Wiley Blackwell, USA, 2016 year.
2. Ятусевич А.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. Учебник. Минск, «ИВЦ Минфина», 2017 год.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

## **IV. Интернет сайtlар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
4. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
5. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

#### **4-амалий машғулот. Протозой касалликларни ўрганишда замонавий диагностика воситаларидан -амалий фойдаланиш**

**Дарснинг мақсади.** Талабаларга қорамолларнинг пироплазмидозлари (пироплазмоз, франсаиеллөз ва бабезиоз) касалликлари түғрисида, ҳамда ушбу касалликларни кечиши, аниқлаш усуслари, шунга ўхшаш касалликлардан фарқи, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари ҳақида тушунча беришдан иборат.

**Жиҳозлар, асбоб-ускуналар, пат.материаллар.** Қўзғатувчиларнинг систематик ҳолати, морфологик тузилиши, тарқатувчилари - ялов каналари акс эттирилган жадваллар, макро- ва микропрепаратлар, қон суртмалари, нозик суртмаларни тайёрлаш ва текшириш учун буюм ойначаси, спирт, бўёқлар, иммерсион мой, микроскоплар, маҳсус дориларнинг намуналари, кўллаш усули, рецептлар намуналари.

**Дарсни ўтиш услуби.** Талабларга қорамолларнинг пироплазмидоз қўзғатувчиларини систематикадаги ўрни, морфологияси, уларни ташувчи каналари кўрсатилиб тушунтирилади, ҳамда улар томонидан содир этиладиган касалликларни кечиши, аниқлаш усуслари, фарқли ташхиси, даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари ўргатилиди.

**Қорамолларнинг пироплаазамидозлари** – бу бир гурӯҳ касалликлар бўлиб, уларнинг қўзғатувчилари *Piroplasmida* туркумига мансуб бир хужайрали паразитлар бўлиб, қон эритроцитлари ва бошқа ретикулоэндотелиаль системаси хужайраларида паразитлик қиласи. Қўзғатувчилари касал ҳайвонлардан согломларига ташувчи каналар орқали ўтади, яъни трансмиссив касалликларга киради. Бу гурӯҳдаги касалликларнинг характерли белгилари тана ҳароратининг кўтарилиши, камқонлик, сарғайиш ҳамда юрак-томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятининг издан чиқишидан иборат.

**Қорамол пироплазмози** – бу ўткир ва ярим ўткир оқимларда кечувчи трансмиссив, мавсумий протозой касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг қон эритроцитларида *Piroplasma bigeminum*-нинг паразитлик қилиши туфайли кўзғатилиб, касаллик ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, кўринарли шиллиқ пардаларнинг оқариб сарғайиши, касалликни 2-3.чи кунларида гемоглобинурия, нафас олиш, юрак-томир ва овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятининг издан чиқиши ва ҳайвоннинг нобуд бўлиши билан характерланади.

**Систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси - ***Piroplasma bigeminum*** систематикадаги ўрни қўйидагича: *Protozoa* ҳайвонот олами, *Apicomplexa* типи, *Piroplasmida* туркуми, *Babesiidae* оиласи ва *Piroplasma* авлодига мансубдир.

**Қўзғатувчининг тузилиши.** ***Piroplasma bigeminum*** – бу полиморф шаклдаги бир хужайрали паразит бўлиб, унинг шакли ҳалқасимон, юмалоқ, овалсимон, амёбасимон, вергулсимон, ноксимон ва қўшноксимон шаклларда бўлади. Катталиги: юмалоқ пироплазмаларнинг катталиги 1,5-3 мкм, қўшноксимонларники – 1,7-3,5 мкм, якка ноксимонларники эса 3,5-5 мкм.

Қўшноксимон пироплазмалар ўзаро ўткир бурчак ҳосил қилиб туташган бўлиб, эритроцит радиусидан катта. Пироплазмалар эритроцитларнинг марказида 1-2-тадан, айrim пайтларда 3-4-тадан бўлиб жойлашиб паразитлик қиласи, эритроцитларнинг заарланиш даражаси 10-15% айrim пайтларда 40 фоизгача етиб бориши мумкин.

**Биологияси.** Пироплазмалар эритроцитларда оддий иккига бўлиниш ёки куртакланиш йўли билан кўпаяди.

**Қўзғатувчининг ташувчи ва тарқатувчилари.** Қорамол пироплазмоз қўзғатувчисининг ташувчи ва тарқатувчи вазифасини бир хўжайнли **Boophylus calcaratus** ва икки хўжайнли **Rhipicephalus bursa** яилов каналари бажаради. Агарда, **Boophilus calcaratus** пироплазмаларни ўзининг нимфа босқичида ҳайвонларга юқтирилса, **Rhipicephalus bursa** каналари эса имаго босқичида ҳайвонларга юқтиради.

**Франсаиеллёз** – бу ҳам қорамолларнинг ўткир ва ярим ўткир оқимларда кечувчи трансмиссив, мавсумий, протозой касаллиги бўлиб, у *Francaiella colchica*-нинг ҳайвонларнинг қон эритроцитларида паразитлик қилиши оқибатида қўзғатилиб, касаллик ҳолсизланиш, тана ҳароратини кўтарилиши, кўринарли шиллиқ пардаларни оқариб сарғайиши, гемоглобинурия, юрак-томир ва овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятининг издан чиқиши ва ҳайвоннинг нобуд бўлиши билан характерланади.

**Систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси систематика бўйича куйидагида ўрин олган: Protozoa ҳайвонот оламига, Apicomplexa типига, Piroplasmida туркумига, Babesiidae оиласига, *Francaiella* авлодига ва қўзғатувчиси - *Fransaiella colchica*.

**Қўзғатувчисининг тузилиши** *Francaiella colchica* – бу ҳам полиморф шаклдаги бир ҳужайрали паразит бўлиб, юмалоқ, овалсимон, ноксимон ва қўшноксимон шаклларда учраб, қўшноксимон франсаиеллалар ўзаро ўтмас бурчак ҳосил қилиб туташган. Франсаиеллаларнинг катталиги 1,4-2,8 мкм гача бўлиб, эритроцит радиусига teng ёки ундан кичик бўлади. Улар эритроцитларнинг марказида жойлашиб олиб паразитлик қиласи. Эритроцитларнинг заарланиш даражаси 5 фоизни ташкил қиласи.

**Биологияси.** Франсаиеллалар эритроцитларда оддий иккига бўлиниш ёки куртакланиш йўли билан кўпаяди.

**Қўзғатувчини ташувчи ва тарқатувчилари.** Франсаиеллаларни ташувчи ва тарқатувчилари – бу ҳам худди пироплазмаларга ўхшашиб бир хўжайнли **Boophilus calcaratus** ва икки хўжайнли **Rhipicephalus bursa** турларига мансуб бўлган яилов каналари ҳисобланади. **Boophilus calcaratus** ўзининг нимфа босқичида, **Rhipicephalus bursa** эса имаго босқичида франсаиеллаларни ҳайвонларга юқтиради.

**Бабезиоз** – бу ҳам ўткир ва ярим ўткир оқимларда кечувчи трансмиссив, мавсумий, протозой касаллиги бўлиб, уни ҳайвонларнинг қон эритроцитларида *Babesia bovis*-нинг паразитлик қилиши натижасида қўзғатилиб, касаллик ҳолсизланиш, тана ҳароратини ошиши, камқонлик, сарғайиш, юрак-томир ва ҳазм органлари фаолиятининг издан чиқиши ҳамда ҳайвоннинг нобуд бўлиши билан характерланади.

**Систематикаси.** Касаллик қўзғатувчиси систематика бўйича қўйидаги жойлашган: Protozoa ҳайвонот оламига, Apicomplexa типига, Piroplasmida туркумига, Babesiidae оиласига ва Babesia авлодига мансуб бўлиб, *B. bovis*- қўзғатувчиси.

**Қўзғатувчини морфологияси.** *Babesia bovis* ҳам полиморф шаклга эга бўлиб, овалсимон, юмалоқ, амёбасимон, ноксимон ва қўшноксимон шаклларда бўлиб, кўпроқ юмалоқ шакллари учрайди. Қўшноксимонлари ўзаро ўтмас бурчак ҳосил қилиб туташган, катталиги эритроцит радиусидан кичик бўлиб,  $1,5\text{-}2,4 \times 0,7\text{-}1,1$  мкм га tengdir. Эритроцитларни заарланиш даражаси 8-12%, айрим пайтларда 40 фоизгача етиб бориши мумкин. Бабезиялар эритроцитларнинг перифериясида (четларида) жойлашиб олиб паразитлик қиласи.

**Биологияси.** Бабезиялар ҳам худди олдинги қўзғатувчиларга ўхшаб оддий иккига ёки қуртакланиш йўли билан кўпаяди.

**Қўзғатувчининг ташувчи ва тарқатувчилари.** Бабезияларни тарқатувчилари ва ташувчилари – бу *Ixodes* авлодига мансуб *Ixodes ricinus* ва *Ixodes persulcatus* (бу тур камроқ аҳамиятга эга) яйлов каналариридир.

**Диагноз ва дифференциал диагностикаси.** Касалликларга диагноз комплекс усулларда: эпизоотологик маълумотлар инобатга олиниши керак, касалликни клиник белгилариiga қараб ва аниқ диагноз лаборатория шароитида микроскопик усулда текширилиб, қондан тайёрланган суртмаларда қўзғатувчиларни топиб қўйилади.

Пироплазмаларни диагноз қўйишдаги характерли шакли – бу қўшноксимонлари ҳисобланиб, улар ўзаро ўткир бурчак ҳосил қилиб бирлашган ва эритроцит радиусидан катта бўлади. Франсаиеллаларда эса бу ҳам қўшноксимон шакллари бўлиб, аммо улар ўтмас бурчак ҳосил қилган ва катталиги эритроцит радиусига teng ёки ундан кичик бўлади. Бабезийларни характерли шакли қўшноксимон шакллари ҳисобланади, улар ўтмас бурчак ҳосил қилиши билан бирга катталиги эритроцит радиусидан кичик, аммо юмалоқ шакллари кўпроқ учрайди.

Ўзбекистон шароитида қорамолларнинг бабезиоз касаллиги учрамайди, чунки унинг ташувчи каналари бизда йўқ.

Ҳайвон ўлгандан сўнг ёки мажбуран сўйилганида патологоанатомик ўзгаришларига қараб диагноз қўйилади.

Қорамолларнинг пироплазмидозларини тейлериоз, куйдирги, лептоспироз, листериоз, гематурия, механик гепатит касалликларидан фарқ қила олиш керак.

**Даволаш, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари.** Касалликни даволашда дастлаб ҳайвонлар салқин жойларга ўтказилади, етарли миқдорда тоза сув билан таъминланади, сўнгра симатоматик ва специфик даволаш муолажалари биргаликда олиб борилади. Махсус дорилардан азидин (беренил), диамидин, норотрип, Дац, ДДАЦ, бабенил, сульфантрол, неозидин, верибен, полиамидин ва бошқаларни ишлатиш мумкин.

Азидин (беренил), бабенил, норотрип, ДАЦ, ДДАЦ, неоазидин, верибен – 3,5 мг/кг тана оғирлигига, 7%-ли эритма қилиб, мускул орасига ёки тери остига бир маротаба инъекция қилинади. Агарда 24 соат ичида тана ҳарорати ташмаса, препарат ўша дозада яна бир маротаба қайта инъекция қилинади.

Сульфантрол 30-40 мг/кг тана оғирлигига 33%-ли спиртда 1%-ли қилиб эритилади ва вена қон томир ичига юборилади, ёки қайнатиб совутилган сувга 10%-ли қилиб эритилади ва мускул орасига инъекция қилинади.

Диамидин – 1-2 мг/кг тана оғирлигига 4%-ли эритма қилиб, мускул орасига ёки тери остига инъекция қилинади.

Полиамидин (Этдин) – 5 мл/100 кг тана оғирлигига мускулга орасига юборилади.

**Касалликни олдини олиш мақсадида** яйлов каналарнинг актив ҳаракати даврида ҳайвонларни ҳар 7-10 кунда бир маротаба акарацид дорилар билан чўмилтириб бориш керак.

**Химиопрофилактика** тадбирларини муентазам равишда амалга ошириш зарур. Бунинг учун маҳсус дориларни даволовчи дозада ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Азидин билан ҳар 12-14- кунда, диамидин билан ҳар 20-22- кунда, полиамидин билан ҳар 30-35-кунда бир маротаба ҳайвонларни ишловдан ўтказиб туриш, ҳамда ҳайвонларни рацион асосида тўйимли озуқалар билан озиқлантириб бориш талаб этилади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Қорамолларнинг пироплазмидозлари деганда нечта касаллик назарда тутилади?
2. Қорамол пироплазмозига таъриф бериб, қўзғатувчисининг тузилиши, биологияси ва ташувчи каналари ҳақида маълумот беринг?
- 3 Қорамол франсаиеллёзига таъриф бериб, қўзғатувчининг тузилиши, биологияси, ташувчи каналарини тушунтириб беринг?
4. Эндоглобуляр паразитлар деганда нимани тушунасиз, изоҳлаб беринг?
5. Пироплазмидозларга аниқ диагноз қўйиш усулини айтиб беринг?
6. Пироплазмоз франсаиеллёздан қандай фарқ қилинади? Улар биргаликда, аралаш шаклда учраши мумкинми? Агар, мумкин бўлса, изоҳлаб беринг?

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А.Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi”. O‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2019 yil

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

### **Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

## **5-амалий машғулот**

Трематодоз касалларини тарқалиши, диагностикаси ва даволашнинг замонавий усуллари.

**Дарс машғулоти Ветеринария илмий тадқиқот институти гельминтология лобораториясида олиб борилади**

**Дарснинг мақсади:** Дарс ҳайвонлар ва паррандаларнинг тезак намуналарини микроскопик текшириш асосида ўзлаштирилади.

**Зарурий жиҳозлар:** микроскоп, лупа, турли турдаги ҳайвонларнинг тезак намуналари, тўйинган эритмалар, Дарлинг суюклиги, пробирка, центрифуга, стаканча ва косачалар, предмет ва қоплагич ойначалар, пинцет, скалпель, қайчи, симли тўр, дока.

**Топширик:** 1.Гельминтлар тухумларини микроскопда кўриш.

2. Гельминт тухумлари акс эттирилган жадвалдаги расмларни дафтарга чизиб олиш.

**Касалликнинг клиник белгилари.** Кўпчилик гельминтоз касалларидан касалликнинг клиник белгилари умумий характерга эга бўлган клиник белгилар, қайсиким бундай белгилар бошқа инфекцион ва ички юқумсиз касалларидан ҳам учрайди, Улар асосида бизлар аниқ диагноз қўя олмаймиз. Фақатгина айрим гельминтоз касалларидан касалликнинг клиник белгилари касаллик учун хос белгилар. Масалан, ценурозда касаллик қўзғатувчиси бош мияда, баъзан орқа мияда паразитлик қилиши натижасида ҳайвонларда ҳаракат координациясининг бузилиши, бир томонлама ҳаракатёки бир томонлама кўр бўлиб қолишлар касаллик учун хос белгилардир, улар асосида аниқ диагноз қўйишимиз мумкин, чунки бунддай клиник белгилар бошқа касалларда учрамайди, ёки отларнинг парафиляриоз касаллигига куннинг иссиқ пайтида теридан томчилаб қон оқади, кечкурунга бориб қон оқиши тўхтайди ва ўрнини қатқалоқ эгаллайди. Эртаси куни яна теридан томчилаб қон оқа бошлайди ва кечкурунга бориб тўхтайди.

Ана шу белгисига қараб бизлар аниқ диагноз қуя олишимиз мумкин. Колган гельминтоз касалларидан клиник белгилар умумий характерга эга булган белгилар, улар асосида аниқ диагноз қўя олмаймиз. Шунинг учун лабораторияда маҳсус лабораторик текширув ўтказилади.

**Маҳсус лабораторик текшириш.** Кўпчилик гельминтоз касаллик қўзғатувчилари овқат ҳазм қилиш системасида ёки у билан боғлиқ бўлган органларда паразитлик қилишга мослаашган. Шу сабабли паразитлар ўзининг тухумлари, личинкалари ёки бўғинларини тезак орқали ташқи муҳитга чиқариб ташлайди. Шунинг учун лабораторияда кўпинча гельминтокрологик текширув ўтказилади.

**Гельминтокрологик текширув деб – ҳайвон, парранда (ҳамда одам) тезагини текшириб, унда гельминтларнинг ўзини, тухумларини, бўғинларини ёки личинкаларини топишдан иборат.**

**Гельминтокрологик текшириш 2 хил бўлади:**

- 1. Сифатий**
- 2. Миқдорий**

**Сифатий гельминтокопрологик текширишда** ҳайвон ва паррандаларнинг тезак намунаси текширилиб, унда паразит тухумлари, личинкалари ёки бўғинларини топишдир.

**Миқдорий гельминтокопрологик текшириш ҳам** сифатий гельминтокопрологик текширишга ўхшаш бўлиб, бироқ бунда инвазиянинг интенсивлигини ҳисоблаб чиқишдан иборат.

**Инвазиянинг интенсивлиги (ИИ)** деб ҳайвон, паррандаларнинг тезак намунасини текшириб, унда топилган гельминт миқдорини аниқлашдан иборат.

**Инвазиянинг экстенсивлиги(ИЭ)** деб фермада, отарда, хўжаликда, туманда, вилоятда гельминтоз касалликларига чалинган моллар сонига айтилади ва фоиз ҳисобида аниқланади.

### **Гельминтокопрологик текшириш 3-га бўлинади:**

#### **I. Макрогельминтоскопия**

**Макрогельминтоскопия** – бу ҳайвон, парранда (ҳамда одамлар) тезагини оддий кўз ёки лупа ёрдамида текшириб, унда паразитнинг ўзини, личинкасини ёки бўғинларини (фрагментларини) топишдир. Макрогельминтоскопияда битта усул мавжуд.

**а). Кетма-кет ювиш усули.** Усулини бажариш техникаси қуидагича: Гумон қилинган ҳайвон ёки паррандалардан 5-10 г. Тезак намунаси олиб стаканга солинади ва устига оддий сувдан дастлаб бироз солиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра нисбат 1:10 бўлгунча сувдан солиб аралаштирилади ва 10-15 минут давомида тиндирилади. Кейин эса намунанинг суюқ қисми тўкиб ташланиб, чўкмасига яна оддий сувдан солиб аралаштирилиб 10-15 минут давомида тиндирилади. Бу жараённи то чўкмаси оқармагунча бир неча маротаба қайтарилади.

Намунанинг чўкмаси оқаргач, суюқ қисми олиб ташланиб, чўкмаси Петри тавоқчасига солиб, ёки 7x!0 ҳажмдаги буюм ойначасига қуйиб оддий кўз билан (айрим пайтларда) текширувдан ўтказилади. Бунда гельминтларнинг ўзини, личинкасини ёки бўғинларини топиш мумкин.

#### **II. Гельминтоовоскопия усули.**

**Гельминтоовоскопия** усули деб ҳайвон, парранда ҳамда одамларнинг тезаги текшириб, унда гельминтларнинг тухумини топишига айтилади. Бунда бир қанча усуллар мавжуд:

**А). Суртма тайёрлаш усули.** Усулни бажариш техникаси қуидагича: Гумон қилинган ҳайвон ёки паррадалардан нўхат дони катталигидек келадиган тезак намунаси олиниб, буюм ойначасига ўтказилади, устига бир – икки томчи сув ёки глицерин томизилади ва аралаштирилади. Аралашмай қолган тезакнинг дағал қисмлари олиб ташланади. Сўнгра намунанинг усти қоплагич ойнacha билан қопланиб микроскоп остида текширувдан ўтказилади. Бунда паразит, гельминт тухумларини топишимиз мумкин. Бироқ, усулни бажариш жуда ҳам осон бўлсада, унинг самарадорлиги жуда паст, чунки жуда ҳам оз миқдорда тезак намунаси олиниади, унда ҳамма вақт ҳам (инвазиянинг интенсивлиги паст бўлса) паразит тухумларини топиш қийиндир.

**Б). Анус атрофидан қиринді олиш усули** (отларнинг оксиуроз касаллигини аниқлашда қўлланилади). Усулни бажариш техникаси. Гумон қилинган ҳайвоннинг орқа чиқарув тешиги атрофида қотиб қолган тезаклар темир шпатель ёки ёғоч куракча ёрдамида қириб олинади ва буюм ойначасига ўтказилади, teng микдорда сув билан суюлтирилган глицерин томчиси (2-3 томчи) томизилиб аралаштирилади, қоплағич ойнача билан қоплаб микроскопнинг кичик объективида текширилади ва оксиуристар тухумини топишга ҳаракат қилинади.

**В). Флюотация усули (гельминт, паразит тухумларини эритма юзасига қалқиб чиқариш усули).** Бунда бир қанча олимларнинг тавсия этган усуллари мавжуд.

**1. Фюллеборн усули.** Фюллеборн усулини бажариш учун ош тузининг тўйинган эритмаси керак бўлади. Ош тузининг тўйинган эритмасини тайёрлаш учун бир литр қайнаб турган сувга 350-400,0 (380,0) NaCl тузини солиб эритилади ва фильтрлаб олинади. Ош тузининг тўйинган эритмасининг солиштирма оғирлиги 1,18 га teng, яъни паразит, гельминтлар тухумларининг солиштирма оғирлиги 1,18 гача бўлганлари эритма юзасига қалқиб чиқади, 1,18 дан юқори бўлганлари эса чўкмада қолади. Бунинг учун бошқа усуллардан фойдаланиш кеоак бўлади.

**Усулни бажариш техникаси.** Гумон қилинган ҳайвонлардан, паррандалардан 5-10 грамм тезак намунаси олиниб маҳсус идишчаларга (стаканчаларга) солинади ва устига ош тузининг тўйинган эритмасидан дастлаб оз микдорда солиб яхшилаб аралаштирилади, сўнгра нисбат 1:20 ҳосил бўлгунча тўйинган эритмадан солиб аралаштирилади. Кейин дока ёки симли тўр ёрдасида иккинчи стаканга фильтрланади, сузиб олинади ва 30-40 минут давомида тинч жойда қолдирилиб тиндирилади.

Сўнгра аралашма юзасига қалқиб чиқсан гельминт тухумларини симли илмоқча ёрдамида олиниб буюм ойначасига ўтказилади, қоплағич ойнача билан ёпилиб микроскопда текширилади.

**2. Калантарян усули.** Калантарян усулини бажариш учун натрий нитрат тузининг тўйинган эритмасидан фойдаланилади. Натрий нитрат тузининг тўйинган эритмасини тайёрлаш учун бир литр қайнаб турган сувга бир килограмм NaNO<sub>3</sub> тузини солиб эритилади ва фильтрлаб олинади. Натрий нитрат тузининг солиштирма оғирлиги 1,4 га teng. Усулни бажариш техникаси худди Фюллеборн усулига ўхшашидир.

**3. Щербович усули.** Щербович усулмини бажаришда магнезий сульфат тузининг тўйинган эритмаси ишлатилади. Магнезий сульфат тузининг тўйинган эритмасини тайёрлаш учун бир литр қайнаб турган сувга 920,0 магнезий сульфат тузини солиб эритилади. Ушбу эритманинг солиштирма оғирлиги 1,45 га teng. Усулини бажариш техникаси эса худди Фюллеборн усулига ўхшашидир.

**4. Дарлинг усули (паразитлар, гельминтлар тухумларини дастлаб чўкмага чўқтириш, сўнгра эритма юзасига қалқиб чиқариш усули).** Усулни бажариш техникаси. Гумон қилинган ҳайвондан 5-10 грамм тезак намунаси олиниб стаканчаларга солинади ва устига оддий сувдан солиб аралаштирилади, сўнгра центрифуга пробиркаларига фильтрлаб қўйилади ва пробиркалар центрифуганинг махсус пробирка ўрнатиладиган жойларига қўйилиб 5 минут давомида минутига 1000 маротаба айлантирилади. Сўнгра пробиркалар центрифугадан олиниб, намунанинг суюқ қисми тўкиб ташланади, чўкма устига эса Дарлинг суюқлиги солиниб, шиша ёки таёқча билан яхшилаб аралаштирилади ва яна центрифугага қўйиб 5 минут давомида минутига 1000 маротаба тезликда айлантирилади. Дарлинг суюқлигининг таркиби – бу ош тузининг тўйинган эритмаси билан глицериннинг teng нисбатдаги (1:1) аралашмасидир. Шундан сўнг пробиркалар центрифугадан эҳтиёткорлик билан олиниб, штативга ўрнатилади ва симли илмоқ билан эритманинг юзасидан бир томчи олиб буюм ойначасига ўтказилади, қлпдағич ойнача билан ёпилиб микроскоп остида текширилади.

**П. Гельминтолярвоскопия усули.** Гельминтолярвоскопия усули деб ҳайвон, парранда ҳамда одамларнинг тезаги текшириб, унда паразит, гельминтларнинг личинкаларини топишга айтилади. Бунда ҳам бир қанча олимларнинг тавсия этган усуллари мавжуд:

**1. Берман – Орлов усули.** Бу усул кенг тарқалган, техник жиҳатдан унчалик мураккаб бўлмаган усул ҳисобланиб, гельминтларнинг ҳаракатчан личинкаларини тезакдан сувга чиқариб, чўкмага чўқтиришга асосланган. Бу усулни биринчи маротаба Берман деган олим тупроқчувалчангларнинг личинкаларини топиш учун тавсия этган. Кейинчалик Орлов деган олим ҳайвонлар тезагидаги диктиокаулус личинкаларини топишда қўллаган. Усулни бажариш техникаси қўйидагича: оғиз томонининг диаметри 10-15 см келадиган воронка олиниб, унинг учига узунлиги 10-15 см келадиган резина найча ўрнатилади. Найчанинг иккинчи учини Мор қисқичи билан қисилади. Резина найча ўрнатилган воронкага сим тўр қўйилиб штативга ўрнатилади ва унга илиқ 37-38 градусли сув қўйилади. Сим тўрга (ёки докага ўраб) гумон қилинган ҳайвоннинг тезакидан 10-15 грамм солинади ва шу ҳолатда бир неча соат қолдирилади (агарда қўй ва эчки тезаги бўлса -6 соат, қорамол тезаги бўлса 12 соат). Сўнгра резина найчанинг пастки қисмидаги суюқлик центрифуга пробиркасига қўйилиб, бир минут давомида айлантирилади ва ҳосил бўлган чўмани Петри товоқчаларига солиб ёки катта ҳажмдаги буюм ойнасига, қайсиким атрофи парафин ёки пластилин билан ўраб олинган, қуйиб чиқиб микроскоп остига текширилади. Бунда илонсимон ҳаракатдаги личинкаларни топиш мумкин.

**2. Вайда усули.** Бу жуда ҳам оддий усул бўлиб факат шариксимон шаклдаги тезакларни текшириш учун мўлжалланган. Усулни бажариш техникаси қўйидагича: Гумон қилинган ҳайвондан 5-10 та қумалоқ тезак соат ойначасига ёки Петрои товоқчасига солинади ва унинг устига 37-28 градусли сувдан бироз қўшилиб 15-40 минут давомида сақланади.

Шундан сўнг қумалоқ тезаклар олиб ташланиб қолдиқ микроскоп остида текширилади. Бунда ҳам илонсимон ҳаракатдаги личинкаларни топиш мумкин. Бироқ бу усулнинг самарадорлиги паст, сабаби жуда кам миқдорда тезак намунаси олинади ҳамда қумалоқ, агарда ҳайвон кучли инвазияланган бўлса, тезаклар юзасидаги личинкалар сувда сузиб чиқиши мумкин, лекин қумалоқ ичидағи личинкалар сувда сузиб чиқа олмайди.

**3. Оддийлаштирилган гельминтолярвосклитя усули.** Бу усул худди Берман-Орлов усулига ўхшашиб, бироқ оддийлаштирилгандир. Усулни бажариш техникаси қўйидагича: Ҳажми 30-50 мл келадиган стаканча олинади ва ичи илиқлиги 37-38 градусли сув билан тўлдирилади. Сўнгра гумон қилинган ҳайвонлардан 5-10 грамм тезак намунаси олиниб, докага ўраб стакандаги сувга ботириб қўйилади. Агар, кўй, эчки тезаги бўлса – 6 соатгача, қорамол тезаги бўлса 12 соатгача сақланиши керак. Докага ўралган тезак қанча кўп муддат сувда сақланса, шунча кўп личинкалар сувга сузиб чиқади. Бироқ, юқорида кўрсатилган муддатдан ошмаслик керак, акс ҳолда бошқа стронгилят тухумларидан ҳам личинкалар чиқиб аниқ диагноз қўйишида ҳалақит беради. Юқорида айтиб ўтилган муддат ўтгач, докадаги тезак олиб ташланиб, стакандаги намуна 10-15 минут давомида сақланиб тиндирилади. Сўнгра намунанинг суюқ қисми олиб ташланиб, қолдиқ Петри тавоқчаларига ёки катта ҳажмдаги буюм ойначасига қўйилиб микроскоп остида текширилади. Бунда илонсимон ҳаракатдаги диктиокаулус, протостронгилюс личинкаларини топишимиз мумкин.

**3. Иммунобиологик реакциялар.** Ҳозирги пайтда гельминтоз касалликларни аниқлашда айрим реакциялар қўйиб, уларнинг натижасига қараб аниқланмоқда. Масалан, РА, РСК, РНГА, РИД, РДИД, Казони реакцияси, аллергик реакция (Ронжина усули, КазНИВИ) ва бошқалар.

### Қўшимча адабиётлар

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А.Чорва молларининг гельминтозлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Қурбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi”. O‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2019 yil

### Хорижий адабиётлар

1. Denis Jacobs, mark Fox, Lynda Gibbons, Carlos hermosilla. Principles of Veterinary Parasitology. Wiley Blackwell, USA, 2016 year.
2. Ятусевич А.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. Учебник. Минск, «ИВЦ Минфина», 2017 год.

## **Кўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

## **IV. Интернет сайтлар**

1. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
2. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

## **VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.**

### **KEYS**

Invazion kasallikning tarqalishini oldini olish

**Keys muommosi:** kasallikni oldini olish uchun tadbirlar o'tkazish strategiyasining tanlanishi

#### **Muommo osti muommolar**

1. Xo'jalik epizootologik xolatining tahlili
2. Kasallikni aniqlashdan maqsad.
3. Qaysi turdagи hayvonda qancha kasallik aniqlanadi.
4. Kasallikka gumon qilingan hayvonlarni saqlash.
5. Xo'jalikdan olingan mahsulotlarni qayta ishlash
6. Xo'jalikda kelgusida o'tkaziladigan sog'lomlashtirish tadbirlari.

#### **Муаммони ифодаланиши**

Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.

Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо ости муаммолар)ни ажратади.

## **Ахборот йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши**

### **Кейс учун ахборот йиғиш усуллари**

Интервью

Сұхбат

Үрганиш (архив хужжатлари, жисоботлар)

Кузатиш ва ҳоказо

### **Ахборот йиғиш воситаси**

Сўровнома варағи

Интервью олиш варағи

Анкета

Хар жил жадваллар ва бошқалар

### **Ахборот йиғиши**

### **Ахборот манбалари:**

- Статистик материаллар, ҳисоботлар;
- Вазият обьекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар, проспектлар ва бошқа маълумотлар;
- Интернет;
- Оммавий ахборот воситалари;
- Корхона рақиблари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги эксперталар ёки турли инвестицион фонdlар таҳлилчилари билан мулоқот;
- Тингловчиларниң ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари;
- Илмий мақолалар, монографиялар;
- Корхона раҳбарлари билан интервью.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Даволаш усули	Дарилар ва даволаш воситаларидан маълум мақсад ва вазифани кузлаган ҳолда илмий асосда фойдаланиш	The use of drugs and treatments on a scientific basis with a specific purpose and function
Даволаш тамоили	Касал ҳайвонни даволашга врачнинг ёндошиш тарзи (физиологик, фаол, комплекс, алохига ва б.)	The doctor's approach to the treatment of a sick animal (physiological, active, complex, separate, etc.)
Физиотерапия	Табиий воситалар (ёргулик, электр, сув ва б.)дан даволаш мақсадида фойдаланиш	The use of natural remedies (light, electricity, water, etc.) for therapeutic purposes
Физиопрофилактика	Ҳайвон организмини чиниқтиришда табиий омил ва воситалар (қўёш нурлари, яйратиш, гидро, - термо-терапия ва б.)	Natural factors and means in hardening the animal's body (sunlight, diffusion, hydro, thermotherapy, etc.)
Перикардит	Юрак ташқи қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the outer layer of the heart
Миокардит	Юрак мускул қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the heart muscle layer
Эндокардит	Юрак ички қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the lining of the heart
Миокардоз	Юрак мускул қаватининг дистрофик ўзгаришлар билан ўтадиган касаллиги	Disease of the heart muscle layer with dystrophic changes
Атеросклероз	Қон томирлар деворининг қалинлашиши ва қотиши билан ўтадиган касаллик	A disease characterized by thickening and hardening of the vascular wall
Ринит	Бурун шиллик қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the nasal mucosa

Гайморит	Юкори жағ бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the mucous membrane of the upper jaw
Фронтит	Пешона бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиши	Inflammation of the mucous membrane of the forehead
Ларингит	Ҳиқилдоқнинг яллиғланиши	Inflammation of the larynx
Бронхит	Бронхларнинг яллиғланиши (макро ва микро бронхит)	Inflammation of the bronchi (macro and micro bronchitis)
Бронхопневмония	Бронхлар ва ўпка бўлакчаларининг катарал яллиғланиши бўлиб, бронхлар ва алвеола бушлиғига ўз таркибида шилимшиқ суюқлик, лекоцитлар, микроб танаchalари ва кўчиб тушган эпителий сақлавчи катарал экссудатнинг тўпланиши билан намаён бўлади	It is a catarrhal inflammation of the bronchi and lungs, characterized by the accumulation of mucous fluid, leukocytes, microbial bodies, and migrated epithelial protective catarrhal exudate in the bronchial and alveolar cavities.
електатив пневмония	Ўпка бўлакчасининг зичлашиши (ателектаз) оқибатида пайдо бўладиган пневмония	Pneumonia caused by thickening of the lung lining (atelectasis)
Гипостатик пневмония	Ўпка бўлакчасининг суюқлик билан тўйиниши (гипостаз) оқибатида пайдо бўладиган пневмония	Pneumonia caused by fluid saturation (hypostasis) of the lung compartment
Аспирацион пневмония	Ўпка бўлакчасининг ташқаридан ёт заррачалар кириши (аспирация) оқибатида пайдо бўладиган пневмония	Pneumonia caused by foreign particles entering the lungs from the outside (aspiration)
Ўпка гангренаси	Ўпка бўлакчасининг чириши оқибатида пайдо бўладиган пневмония	Pneumonia caused by decay of a piece of lung
Ўпка кавернаси	Ўпка бўлакчасининг	Pneumonia caused by

	некрози оқибатида пайдо бўладиган пневмония	necrosis of the lung compartment
Плеврит	Плевранинг яллиғланиши (қуруқ ва экссудатив)	Inflammation of the pleura (dry and exudative)
Ўпка эмфиземаси	Ўпкада ортиқча ҳавонинг сақланиб қолиши ва ўпка ҳажмининг катталашиши билан намоён бўладиган касаллик	A disease characterized by the retention of excess air in the lungs and an increase in lung volume
Гепатит	жигар яллиғланиши билан ўтадиган оғир касаллик	severe disease accompanied by inflammation of the liver
Гепатоз (жигар дистрофияси)	жигарнинг дистрофик ўзгаришларга учраши билан ўтадиган сурункали касаллик	a chronic disease characterized by dystrophic changes of the liver
Жигар циррози	жигар паринхемасига бириктирувчи тўқиманинг ўсиши билан характерланадиган касаллик	a disease characterized by the growth of connective tissue in the hepatic parenchyma

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февраль “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 май “«Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4328-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Эргашев Э.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларининг гельминтозлари. Ўкув қўлланма. Тошкент, «Мехнат», 1992 йил.
2. Ҳақбердиев П.С., Курбанов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўкув қўлланма. Тошкент, 2015 йил.
3. Haqberdiev P.S., Ibragimov F.B. Veterinariya protozoologiyasi va araxnoentomologiyasi”. O‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2019 yil

### **Хорижий адабиётлар**

1. Denis Jacobs, mark Fox, Lynda Gibbons, Carlos hermosilla. Principles of Veterinary Parasitology. Wiley Blackwell, USA, 2016 year.
2. Ятусевич А.И. и др. Паразитология и инвазионные болезни животных. Учебник. Минск, «ИВЦ Минфина», 2017 год.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Ўкув қўлланма. Тошкент, 2016 йил.

### **IV. Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. <http://www.mitc.uz> - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
3. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
4. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
5. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET

## IX. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ

Ветеринария медицинаси таълим йўналишлари ва мутахассисларни профессор-ўқитувчиларининг “Ветеринария” йўналиши бўйича малакасини ошириш учун мўлжалланган “Инвазион касалликларни замонавий диагностика қилиш усуллари ва даволашнинг инновацион технологиялари” Модулидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуага

### ТАҚРИЗ

Таълим-тарбия жараёнини сифатли, замон талабларига мос равища олиб бориш учун педагог кадрлар мунтазам равища ўзларининг малака ва кўникмаларини ошириб боришлари бугунги кун талаби хисобланади.

“Ветеринария” йўналиши бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун мўлжалланган “Инвазион касалликларни замонавий диагностика қилиш усуллари ва даволашнинг инновацион технологиялари” модулидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуа 8 та бўлимдан иборат бўлиб, модулнинг барча материаллари узвий жойлаштирилган. Модулда мазкур фаннинг ишчи дастури киритилган. Унинг иккинчи бўлимида модулни ўқитиша фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари хамда модул мазмунидан келиб чиқкан холда намуналар келтирилган.

Модулнинг учинчи бўлимида маъруза матнлари, мавзу номи, режаси, таянч иборалар, назорат саволлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, тўртинчи бўлимида амалий машгулотлар учун материаллар, топшириқлар ва уларни бажариш бўйича тавсиялар, бешинчи бўлимида эса битирув (лойиха) ишларининг мавзулари батафсил киритилган.

Модулнинг олтинчи бўлимида унга оид кейслар банки шакллантирилган бўлиб, бу айниқса малака оширувчи педагоглар ўқув жараённида бевосита кўллашлари учун муҳим ахамият касб этади. Шунингдек, модулнинг еттинчи бўлимида модулдаги мавзуларда кўп кўлланиладиган атамалар ўзбек ва инглиз тилидаги изохлари билан ёритилган. Модулнинг саккизинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари, норматив-хуқўкий хужжатлар, маҳсус адабиётлар, электрон таълим ресурслари рўйхати белгиланган тартиб асосида келтирилган.

“Ветеринария” йўналиши бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун мўлжалланган “Инвазион касалликларни замонавий диагностика қилиш усуллари ва даволашнинг инновацион технологиялари” модулидан Ўқув- услубий мажмуа талаб даражасида тайёрланган, деб ҳисоблайман ва уни ўқув жараённида кўллашга тавсия этаман.

Ветеринария фанлари  
доктори, профессор

  
Р.Б. Давлатов ning imzosi  
tasdiglayuvchi  
SamVMI xodimlar bo'limi boshlig'i 